ЮБИЛЕЙ ЙИЛИ „ОҚ ОЛТИН“И ТЕРИЛМОҚДА

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

14 йил чиқиши

№ 173 (3655).

2 СЕНТЯБРЬ ШАНБА 1967 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.

ДАСТЛАБКИ ТОННАЛАР

Областимиз пахтакорлари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллиги юбилейини улкан «оқ олтин» хирмонлари бунёд этиш билан кутиб олишга аҳд қилиб, мўл ҳосил етиштириш йўлида эрта баҳордан буён фидокорона меҳнат қилиб келмоқдалар. Ҳозирги кунга келиб ана шу меҳнат ўзининг қувончли самараларини бермоқда. Пахта пайкалларида «оқ олтин» чаман-чаман бўлиб очилаяпти. Долзарб мавсумга анча барвақт тараддуд кўриб қўйган илғор колхоз ва совхозларнинг деҳқонлари шу кунларда юбилей йили ҳосилини йиғиб-териб олишга киришиб кетдилар. Областимизнинг деярли ҳамма бурчакларида бу йил етиштирилган «оқ олтин»нинг дастлабки хирмонлари қад кўтара бошлади.

Янгийўл районидаги пешқадам хўжаликларининг деҳқонлари учтўрт кундан буён пахта теришб, хирмон уйишаяпти. Ҳамроқул Турсунқулов номли, Назарали Ниёзов номли, «Ленинизм», «Коммунизм» колхозларининг пахтакорлари теримни районда энг биринчилар қатори бошлаб юборди лар.

«Ленинизм» колхозининг аъзолари уйган «оқ олтин» хирмони ҳозирнинг ўзидаёқ 40 тоннадан ошиб кетди. Ҳар куни тарозига 9—10 минг килограмм юбилей йили ҳосили қўйилмоқда. Хўжаликда Рихсибой Шофайзиев ва Мирзааҳмад Илашев ўртоқлар бошчилик қилаётган звеноларнинг аъзолари пешқадамлик қилишаяпти. Маҳина Мамасобирова, Насиба Мусаева, Ҳониса Рамазонова синглари чевар чеҳимчилар ҳозирнинг ўзида-ёқ эл хирмонига ҳар куни 150—170 килограммдан «оқ олтин» тўкишга муваффақ бўлишаяпти. Бу чеварлар «юбилей йилида ҳар биримиз 10 тоннадан пахта теріб берамиз» деб, ўз зиммаларига юксак мажбуриятлар олишган.

Колхозда пахта майдонларининг 70 процентидаги ҳосил фақат машиналар билан териб олинади. Шунинг учун хўжалик механкашлари машиналар ишлай олмайдиган кичик-кичик пайкаллардаги ҳосилни териб олишга киришиш билан бир вақтда машина теришга пухта ҳозирлик кўришаяпти. Ғўза дефолиацияси жадал ўтказилмоқда.

Юбилей йили мавсумида сизларга катта муваффақиятлар тилаймиз, азамат пахтакорлар!



БЕКОБОДДАГИ 3-«Далварзин» совхозининг механизатори Ўртоқ Омон Қўшмонов бошлиқ звеноси деҳқонлари юбилей йилида гектар бошига 31 центнердан хирмон кўтаришга бел боғлаганлар. Ҳозир ана шу ҳосил пишиб етилмоқда. Пахтанинг асосий қисми машиналар билан териб олинади. Илғор механик-ҳайдовчиларнинг Мурожаатидан руҳланган Ўртоқ Қўшмонов ўз агрегати билан 85 тонна пахта теришга сўз берди. Чапдаги суратда: механизатор-звено бошлиғи Омон Қўшмонов пахтаси машина билан терилаётган пайкални кўздан кечирмоқда.

А. Абалян фотоси.



УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 50 йиллиги шарафига «оқ олтин» ҳосилдорлигини 40 центнерга етказиш учун астойдил курашаётган Янгийўлдаги Калинин номли колхознинг Жўра Сафаров бошлиқ участкаси пахтакорлари шу кеча-кундузда теримни мавсумига зўр бериб тайёргарлик кўрмоқдалар. Участкада айниқса машина-теримига пухта тараддуд кўрилмоқда. Деҳқонлар бу йил етиштирилган ялпи ҳосилнинг ўндан тўққиз қисмини «зангори кема»лар билан йиғиб-териб олишни мўлжаллаб туришибди. Ўнгдаги суратда колхознинг илғор механик-ҳайдовчиларидан бири Мамадали Қодиралиевни кўриб турибсиз. У бу йилги мавсумда ўз «зангори кема»си буюкеридан эл хирмонига 110 тонна «оқ олтин» тўкишга аҳд қилган.

Қ. Розиқов фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

ДЕФОЛИАЦИЯ БОШЛАНДИ

БЕКОБОД. («Тошкент ҳақиқати» мухбиридан). Район пахтакорлари юбилей йилида кенг пахтазорларда мўл ҳосил етиштирдилар. Шунинг учун улар пландаги 43306 ўринга 45 минг тонна «оқ олтин» йиғиб олишга қаттиқ бел боғлаганлар. Районда етиштирилган ҳосилни машина билан териб олишга ҳам катта эътибор берилмоқда. Бу йил 23300 тонна пахта машина билан териб олиниши керак. Бекободликларнинг аҳди ана шундай. Ҳозир колхоз-совхозларда машина билан пахта териладиган майдонлар текширяб чиқилмоқда. Далалар ўтдан тозаланмоқда.

Илғор хўжаликлар машина билан пахта териш учун ғўза баргини тўкиш мақсадида дефолиацияни ҳам бошлаб юборди лар. «Победа» колхози 1500 гектар пахта майдонига эга. Колхозчилар шу майдондан 3000 тонна ҳосил етиштиришга аҳд қилганлар. Колхоздаги 47—27 навли пахталар ҳозир қийғос очила бошлади. 1600 ўринга 2000 тонна пахтани машина билан теришга бел боғлаган колхозчилар ғўза баргини тўкиб машинага кенг йўл очиш учун дефолиацияни бошлаб юборди лар. «2-«Далварзин» совхозининг биринчи бўлимида ҳам дефолиация қилишга киришилди.

ТОШКЕНТДА ТРАКТОР ЧИҚАДИ

КОРХОНАМИЗ цехларида тайёрланаётган прицеплар пешма-пеш қишлоқларга жўнатиляпти. Ҳадемай, пахта йиғим-терим кампанияси бошланиб кетади. Прицепларимиз шунда деҳқон юкини енгил қилади, ҳосилни қон-қаноpсиз пунктларга тез ва соз етказиб беради. Шу кунларда завод аҳли одатдагидан тезроқ суръат билан ишлаяпти. Далаларда етиштирилган ҳосилни ташиб беришга етадиган тўрт тонналп прицепларни кўпроқ тайёрлаб деҳқонларга тезроқ етказиб беришга ҳаракат қилинмоқда.

Яқин келажакда корхонамиз конвейеридан прицеплар билан бир қаторда Т—28—Х4 маркали тракторлар ҳам туша бошлайди. Бу агрегат қисмлари ҳозирги кунда Владимир шаҳрида тайёрланиб Тошкент трактор йиғув заводида йиғилмоқда ва қишлоқларга жўнатилмоқда. Тошкентлик машинасозлар Владимир трактори асосида янги модел тайёрладилар. У чигит экишдан то ҳосилни йиғиб-териб олишгача бўлган комплекс процессларни бажаришда пахтакорларга қўл келади. Трактorга ҳаво совутиб турадиган 50 от кучлик двигатель ўрнатилади. Унинг узеллари қуввати анча кучайтирилган. Ҳар қандай ишни ҳам бемалол бажараверади. Агрегатга культиватор ёки тўрт қаторли пахта териш машинаси ўнғайлик билан ўрнатилади. Тезлигининг ошганлиги, орқа ўқнинг кенгайтирилганлиги ғўза қатор оралигига ишлов беришда анча қулайлик туғдиради. Завод ишлаб чиқараётган тўрт тонналп прицепларни ҳам шу тракторнинг ўзи тортиб юраверади.

Дастлабки мўлжал бўйича Тошкент тракторининг биринчи партияси 1970 йилда деҳқонлар қўлига бориб тегади. Ҳозир корхонада янги хил трактorни ишлаб чиқариш бўйича ғоят катта ташкилий-техникавий тадбирлар амалга оширилаяпти. Янги қурилган улкан корпусга тайёрлов, темирчилик, пресслаш, пайвандлаш, термик ишлов бериш, автомат ва механика-йиғув цехлари ҳамда бош конвейер жойлашади. Уларнинг барчаси 60 минг квадрат метр жойни эгаллайди.

Биринчи навбатда заводда трактorнинг бошқариш ва олдинги осма узелларн ҳамда оснастика тайёрлов участкалари ишга тушади. Келаси йилнинг 1 июлидан бошлаб завод бир кеча-кундузда бундай узеллардан юз комплектини ишлаб чиқарнш қувватига эга бўлади. Заводда бир йўла пахтачилик тракторлари бўйича махсус конструкторлик бюроси ҳам тузилади.

«Ташавтомаш» заводи тракторлар ишлаб чиқаришга киришгач, ҳозирги пайтда Владимир шаҳридан Тошкентга агрегатлар қисмлари олиб келиш учун сарфланаётган йўлкира чиқимлари ёнга қолади. Бу билан йилига миллионлаб сўмлик маблағ иқтисод бўлади. Шунинг учун ҳам завод коллективи янги маҳсулотни тезроқ ишлаб чиқаришга киришиш учун барча тадбирларни кўраяпти. Шу кунларда завод конструкторлари механизатор кабинасини Тошкент иқлимига мослаб қайта ишламоқдалар.

Заводимиз ишчилари пахта далаларида Тошкент тракторига эҳтиёж катталигини биладилар. Шунинг учун ҳам прицеплар ишлаб чиқариш бўйича юбилей йили топшириғини муваффақиятли адо этиш билан бирга янги техникани тайёрлашга ҳам муносиб ҳозирлик кўрилмоқда.

БАРАБАШИН,
«Ташавтомаш» заводининг бош инженери.

ДАЛАНИ МАШИНА ТЕРИМИГА ТАЙЁРЛАЙЛИК

Бу йилги терим кампанияси ҳар қачонгидан ҳам бошқача ўтади. Кўпчилик колхоз ва совхозларда ҳосил булгурга нисбатан 5—6 кун ва ундан ҳам эртаги бўлмоқда. Бу хўжаликлар ғўза парваришини сусайтирмаган ҳолда ҳудди илгаригидек давом эттирмоқдалар. Лекин айрим хўжаликлар ғўзаларнинг ўсиши ва ривожланишида катта фарқ бўлишига қарамай парваришни сусайтириб юбордилар. Бу ҳосилдорликни пасайиши ва терим машиналаридан самарали фойдаланишга салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Ҳосил тақдирини ҳал этувчи ҳозирги долзарб кунларда хўжаликлардаги барча ресурслар мумкин қадар кўпроқ катта хирмон тўплашга ва шу билан бир қаторда далаларни машина теримига пухта тайёрлашга жалб этилиши лозим.

Далаларда етишган пахта нобуд қилинмай қисқа муддат ичида териб олиниши керак. Бу масалани муваффақиятли ҳал этиш учун терим билан боғлиқ бўлган барча ишлар машиналар зиммасига юклатилади.

Пахта теримини машиналаштиришда анча ишлар қилинди. Жумладан Тошкент области механизаторлари ўтган йили 52 процент пахтани машина бункерларидан тўкдилар. Бу соҳада Оққўрғон, Бўка, Ўрта Чирчиқ ва бошқа районларнинг механизаторлари маҳорат кўрсатиб 50—60—70 процентдан кўпроқ пахтани машиналар ёрдамида териб олдилар. «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози сингари пешқадам хўжаликлар машина теримини деярли ҳамма пахта майдонида қўлладилар.

1966 йилда терим машиналаридан кенг кўламда фойдаланиш пахта теримини қисқа муддат ичида ўтказиш, зиммага олинган социалистик мажбуриятни муддатидан анча олдин, бажариш ва меҳнат сарфини кискартириш имконини берди.

Лекин, ўтган йили пахтанинг сифати учун кураш сусайтириб юборилди. Айрим жойларда машина теримига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш қоидалари бузилди. Тайёрлов пунктларига пахта белгиланганидан анча юқори намликда, нфлос ҳолда келтирилди.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Республика Министрлар Советининг «Республика колхоз ва совхозларида пахтани териш ва тайёрлашга ҳозирлик кўриш» тўғрисидаги қарорларида ҳам пахта теримига ва уни давлатга топширишга ўз вақтида ва ҳар тарафлама тайёргарлик кўриш, топшириладиган пахтанинг сифатини яхшилашга алоҳида эътибор бериш қатъий қилиб уқдирилган.

Бу йилги мавсумда машинада териладиган пахтанинг салмоғини ошириш билан бирга, унинг тола сифати учун кураш олиб бориш ҳам алоҳида масъулият талаб этади.

Республика колхоз ва совхозларида, шу жумладан областимиз хўжаликларида ғўза парвариши сусайтирилмаган ҳолда терим ва кўрак чувиш машиналари, сушилкалар, транспорт воситалари, йўл ва кўприклар, асфальт ётқизилган майдончалар, сарой, бостирмалар ремонти, самолётга йўл кўрсатувчи кадрлар тайёрлаш ишлари тугалланиши, ҳар қайси хўжаликда дефолиация ва десикация қилиш учун керакли миқдорда дефолиантлар ва десикантлар келтириб қўйилиши, дала шийпонлари, кўчма болалар боғчалари ва ясслдари жиҳозланиши керак.

Ҳудди ана шу муддатга қадар механик-ҳайдовчиларни тайёрлаш ва қайта ўқитиш ишлари ҳам тугалланиши зарур.

Шуни ҳам айтиш керакки, кўпчилик хўжаликларда моддий-техника воситалари ва механик-ҳайдовчиларни тайёрлаш ишлари суст бормоқда. «Узсельхозтехника» бирлашмаси устахоналарида, колхоз ва совхозларда терим ва бошқа машиналар ремонти ҳам қониқарсиз аҳволда.

Яқин кунларда ҳар қайси хўжаликда участкаларни машина теримн учун ажратиш ва уларни механик-ҳайдовчиларга беркитиш ишлари тугалланиши зарур. Хосилга-хосил қўшишдаги агротехника тадбирларини ўз вақтида бажариш ва терим машиналарини унумли ишлаш учун қулай шароит яратиш ишлари устидан назорат ўрнатиш керак. Бунда қуйидагиларга амал қилинмоги лозим:

Машина теримн учун ажратилган майдонларда ғўза ерга ётиб қолмаслиги керак: бундай шароитда терим машиналари яхши ишлай олмайди. Ўсимлик тупларн

МУТАХАССИСЛАР МАСЛАҲАТИ

машина ғилдираклари остида қолиб эзилиши, синиши мумкин. Бу эса ҳосилни пасайтирибгина қолмай, терим машиналарининг ҳам иш унумини сусайтиради.

Машина теримн учун ажратилган майдонлар бегона ўтлардан тоза бўлиши керак. Чунки бегона ўтлар пахтанинг сифатини пасайтиради, ҳосилни чала терилишига ва машинанинг унумсиз ишлашига олиб келади. Бунинг учун пахта далалари терим олдидан яна бир марта ўтдан тозаланиши керак.

Ғўза барғини дорилаб тўкдирмай (дефолиация қилмай) туриб, пахта теримини механизациялаштириш асло мумкин эмас. Ғўзани дефолиация қилиш энг муҳим агротехника тадбири сифатида пахтачиликда кенг қўлланилмоқда. Фақат ўз вақтида сифатли ўтказилган дефолиацияғина теримни сифатли ўтказиш имконини беради.

СоюзНИХИ маълумотларига қараганда нормал далаларда дори сепилгандан 12 кун ўтгач кўсакларнинг етилиб очилиши 15—20 процентга тезлашади. Кўсакларнинг очилишини тезлашиши натижасида ҳосилнинг сифати кескин ўзгаради, биринчи ва иккинчи сорт пахтанинг миқдори 5—6 процент ортади. Бунинг ҳисобига дефолиация қилишга сарфланган харажатлар тўла қопланишидан ташқари, ҳар гектар ҳисобига 5—8 сўм ва ундан ҳам кўпроқ қўшимча даромад олинади.

СоюзНИХИ тажрибалар и да яна шу нарса аниқ бўлдики, ғўзани дефолиация ва десикация қилиш ҳосили қўлда терилиладиган майдонларда ҳам меҳнат унумдорлигини ошириш имконини беради. Шунга кўра дефолиация ва десикацияни ҳосили машинада ёки қўлда терилишидан қатъий назар ҳамма майдонда ўтказиш фойдадан ҳоли эмас.

Бундан ташқари ғўзани дефолиация ва десикация қилишда қўлланиладиган захарли дориворлар ана шу вақтда пахта далаларида бўлган зараркунандаларни кўплаб йўқотади. Бунда ўргимчаккана, ғўза шираси, кўсак қурти ва карадринанинг кўп қисми қирилиб битади. Тажрибада дефолиация ва десикация қилинган майдонларда келаси йили бу хилдаги зараркунандалар мутлақо бўлмаслиги ёки пайдо бўлганда ҳам жуда оз миқдорда учраши аниқланди. Дефолиация ва десикациянинг бу фойдали хусусиятлари, уни терим олдидан ўтказиладиган энг муҳим агротехника тадбири эканлигини яна бир марта тасдиқлайди.

Ғўзани дефолнация қилишдан юқори самара олишда дори сепиш муддатини тўғри белгилаш ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

Лекин ҳар қайси хўжаликда дефолиация қилиш муддати агрономлар томонидан белгиланиб, ғўзанинг ўсиш ва ривожланишига қараб бир хилдаги группаларга бўлинади. Район ишлаб чиқариш бошқармалари эса ғўзани дефолиация ва десикация қилишни ўз вақтида сифатли ўтказишга раҳбарлик қилишади. Бундай бир хилликка йўл қўйиш хўжаликларга катта зарар етказади, терим машиналаридан унумли фойдаланишга ҳалақит беради.

Пахта теримини сифатли ўтказиш ва терим машиналарини юқори унумли ишлашини таъмин этишда теримнинг технологик схемасини тўғри белгилаш муҳим аҳамиятга эга. Фан ва илғор практиканинг кўрсатишича қараганда, машина теримини кўсакларнинг 50 процентн ва кўпи билан 60 проценти очилганда бошлаш энг мувофиқ муддат ҳисобланади. Бу эса биринчи сорт пахтанинг салмоғини ошириш ва терим машиналарини юқори унумда ишлашини таъминлайди.

Бу йил ерга тўкилган пахтани териб оладиган махсус подборшиклар кенг қўлланилади. Бунинг учун биринчи навбатда бегона ўтлардан ҳоли бўлган далаларга эга бўлишимиз зарур. Бу йил далаларни бегона ўтлардан тоза тутиш тўғрисида қайта-қайта гапираётганимизнинг боиси ҳам ҳудди ана шунда.

Зиммамизга юксак социалистик мажбурият олган ҳолда байрам олди вахтасида туриб ишлаб, шонли юбилей йили пахта тайёрлаш планини ҳам муддатидан олдин бажарайлик. Ғалаба байроғини ўз қўлимизда сақлаб қолишга эришайлик. Бу билан биз мамлакатнинг умумхалқ байрами — буюк Октябрь Социалистик революциясининг 50 йиллик тўйини муносиб совға билан кутиб олган бўламиз.

Т. ЗОКИРОВ,
СоюзНИХИ директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати.

Р. АВАЗОВ,
СоюзНИХИ илмий ходими.

СОВЕТ-БОЛГАР ДЎСТЛИГИ ҲАФТАЛИГИ

3 сентябрдан 9 сентябргача областимиз шаҳар ва қишлоқларида совет-болгар дўстлиги ҳафталиги ўтказилади.

Қардош Болгария меҳнаткашлари, Хасково округи аҳолиси билан бирга областимиз меҳнаткашлари ҳам 9 сентябрь—болгар халқининг миллий байрами — Озодлик кунини нишонлайдилар.

Ҳафталик кунларида корхоналар, қурилишлар, колхоз-совхозлар, муассасалар ва ўқув юртларида меҳнаткашларнинг йиғилишлари бўлади, лекция, суҳбатлар уюштирилади. Болгар халқининг социализм қурилишидаги муваффақиятлари ҳақида ҳикоя қилувчи кинофильмлар намойиш қилинади. Болгарияни озод қилишда қатнашганлар билан учрашувлар бўлади.

Область партия комитети оммавий тушунтириш ишларини олиб бориш учун бир группа лекторларни областимиз шаҳар ва районларига юборди.

Шонли санани нишонлаш учун Янгийўл районидаги Свердлов номли колхозда совет-болгар дўстлиги уйи очилади.

ОБЛАСТИМИЗДА ЛУБ ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 31 АВГУСТГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Районлар	Мавсум бошидан бери
Юқори Чирчиқ	38,2
Ўрта Чирчиқ	34,0
Оққўрғон	33,0
Область бўйича	35,3

ИЛҒОР ЛУБКОРЛАРГА КЎЧМА ҚИЗИЛ БАЙРОҚ

Ўзбекистон КП Тошкент область комитети ва область ижроия комитети қаноп ўрим-йиғимни ва давлатга луб сотиш бўйича хўжаликлар ўртасида олиб борилаётган социалистик мусобақанинг август ойи учинчи ўн кунлиги якунларини кўриб чиқдилар. Область партия комитети ва область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи Ўрта Чирчиқ районидаги «Северный маяк» колхозига (раиси Эм. партия ташкилотининг секретари Тян, бош агрономи Ни, бош инженери Ким ўртоқлар) берилди. Бу колхоз мавсум бошидан буён 200 гектар ердаги ёки умумий майдоннинг 66,6 процентидаги қаноп поясини ўриб йиғиб олган. Август ойининг охирги ўн кунлигида 76 гектар ердаги ёки умумий майдоннинг 25,3 процентидаги ҳосил йиғиштириб олинган. Давлатга луб сотиш плани мавсум бошидан буён 70,3 процент, август ойининг учинчи ўн кунлиги мобайнида эса 35,7 процент адо этилган.

Область партия комитети ва область ижроия комитети қаноп ўрим-йиғимини ташкил этиш, ва давлатга луб сотишда Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» ва Оққўрғон районидаги Киров номли колхозларнинг лубкорлари яхши ишлаётганликларини қайд қилдилар.



Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Академик Т. Н. Қориниёзов.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ АКАДЕМИГИ Т. Н. ҚОРИНИЁЗОВГА СОЦИАЛИСТИК МЕҲНАТ ҚАҲРАМОНИ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Фан ва миллий илмий кадрлар тайёрлаш соҳасидаги хизматлари учун ва туғилганига етмиш йил тўлганлиги муносабати билан Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги Тошмуҳаммад Ниёзович ҚОРИНИЁЗОВга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилсин ва Ленин ордени ҳамда «Ўроқ ва болға» олтин медали топширилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. ПОДГОРНИЙ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль,
1967 йил 1 сентябрь.

КОММУНИСТЛАР ЮБИЛЕЙ АРАФАСИДА

Янгийўл шаҳар меҳнаткашлари Совет ҳокимиятининг 50 йиллиги шарафига бошланган умумхалқ социалистик мусобақасига қўшилиб, ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида янги-янги муваффақиятларни қўлга киритмоқдалар. Бу муваффақиятларни қўлга киритиш ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Ҳар бир корхона, ҳар бир муассаса партия ташкилоти, коммунистлари юбилейга тайёргарлик юзасидан бир қатор ишларни амалга оширдилар.

Дастлаб шуни айтиш керакки, февраль ойида шаҳар партия активи йиғилишн бўлиб ўтди. Унда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллигига тайёргарлик масаласи кўрилиб, юбилей йилидаги социалистик мажбурият муҳокама этилди.

Шундан кейин эса барча бошланғич партия, комсомол, касаба союз ташкилотлари ўзларининг очиқ мажлисларида бу мажбуриятларни муҳокама қилдилар. Ҳар бир ишчи, хизматчи, корхона ва ташкилот ўз ички имкониятларини аниқлаб, шахсий мажбуриятлар қабул қилди. Жумладан, шаҳардаги пойафзал фабрикаси коммунистларининг йиғилиши гоят кўтаринки руҳда ўтди. Асосий цехларда ишловчи 246 ишчи икки йиллик планни Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллик кунига, беш йиллик планни эса В. И. Ленин туғилганига 100 йил тўладиган кунгача бажариш мажбуриятини ўз зиммаларига олдилар.

Бу ташаббус тезда бошқа завод ва фабрикаларга ҳам ёйилди. Коммунистлар ҳамма ерда ана шу ташаббуснинг ижодкорлари, қўллабқувватловчилари бўлдилар.

Ўз навбатида шаҳар партия комитети саноат, қурилиш ва транспорт ташкилотларининг юбилей йилида олган социалистик мажбуриятларининг бажаришларини доимий назорат қилиб келмоқда. Айтиш керакки, партия комитети амалга ошираётган ташкилий, сиёсий-оммавий ишлар яхши натижалар бермоқда. Жуда кўп цехлар, бригадалар, участка коллективлари коммунистларнинг етакчилигида иш олиб бориб, ўтган олти ой давомида мажбуриятларини бажариш йўлида талайгина ютуқларни қўлга киритдилар.

Область партия комитети V пленумида кўриб чиқилган ва тасдиқланган юбилей тадбирларига асосан бизда ҳам бир қатор тадбирлар белгиланган. Бу тадбирлар шаҳар партия комитети бюросида кўриб чиқилган. Шундан сўнг, тайёргарлик ишларига раҳбарлик қилиш ва уларнинг бажарилишини кузатиб бориш мақсадида шаҳар юбилей комиссияси тузилган.

Комиссия қошида ҳар хил ишчи группалари бор. Бу группалар 7—10 кишидан иборат бўлиб, уларга шаҳар партия комитети бюросининг аъзоларидан бир киши раҳбарлик қилмоқда. Худди шунингдек шаҳардаги ҳар бир корхона, ташкилот, муассаса ва ўқув юртлари ҳузурида ҳам юбилей комиссиялари фаолияти кучайтирилиб юборилди.

Шаҳар юбилей комиссияси ўз иш планига асосан бир неча бор йиғилишлар ўтказди. Бу йиғилишларда саноат, транспорт ва қурилиш ташкилотларининг юбилей йилида ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятлари ва юбилей тадбирларининг қандай бажарилаётганлиги, ишчи группаларининг ишлари, ободончилик ишлари қандай бораётганлиги, айрим ташкилот ва корхоналардаги юбилей комиссиялари фаолияти муҳокама қилинди. Яқинда бўлиб ўтган шаҳар партия комитетининг пленумида ҳам бу масала муҳокама қилиниб, тегишли қарор қабул қилинди.

Шаҳардаги саноат корхоналари юбилей йилида ўз устларига олган социалистик мажбуриятларини ошириб бажараётганликлари барчани қувонтирмоқда.

Ярим йиллик ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш планн ортиғи билан бажарилди. Пландан ташқари 2 миллион сўмга яқин маҳсулот ишлаб чиқарилди. Ана шу давр ичида айниқса, колбаса эксперименталь заводи, босмахона, гидролиз заводи, мебель фабрикаси коллективлари яхши ишладилар. Бу ҳеч, шубҳасиз, шу корхоналар партия ташкилотлари олиб бораётган оммавий-сиёсий, тарбиявий, ташкилотчилик ишларининг мевасидир. Шундай қилиб, шаҳар бўйича ўтган йилнинг шу муддатига нисбатан маҳсулот ишлаб чиқариш 6,6 процент кўпайди.

Юбилей объектларини белгиланган муддатидан илгари қуриб фойдаланишга топширамиз! Шаҳардаги қурилиш ва транспорт ташкилотлари коммунист ва комсомолларининг шиори ана шундай.

Юбилейга тайёргарлик кўришда комсомол-ёшларнинг ҳам иштироки актив бўлаётир. Шаҳар комсомол комитетининг бўлиб ўтган пленумида бу масала махсус муҳокама қилиниб, кўпгина тадбирлар ишлаб чиқилди. Комсомол-ёшлар бу тадбирларни ҳеч сўзсиз амалга оширишга сўз бердилар. Шаҳар партия комитети ёшлар ўртасида оммавий-сиёсий ва тарбиявий ишларни жонлантириш, уларни ватанпарварлик, интернационализм руҳида тарбиялаш ва шу йўл билан комсомолларнинг куч ва ғайратини ишлаб чиқариш топшириқларини шараф билан бажаришга сафарбар этиш учун курашаётир.

Шу мақсадда шаҳар маданият уйида ёшларнинг граждандар уруши ва Улуғ Ватан уруши иштирокчилари билан учрашуви ташкил этилди. Ёшларнинг слети ўтказилди. Шаҳардаги иккита маҳаллий театр бу йил жуда яхши натижаларга эришди. Бу коллектив Москва шаҳрида бўлиб ўтган Бутуниттифоқ драматик театр ҳаваскорлари кўригида биринчи даражали мукофот олди.

Ҳар ҳафтада шаҳар радиоси орқали қилаётган ишларимиз. 50 йилликка тайёргарликнинг бориши, юбилей йили мажбуриятларининг бажарилиши тўғрисида ихчам ахборотлар бериб борилади. Бу эшиттиришларда корхона ва ишлаб чиқариш коллективларининг раҳбарлари, партком секретарлари, илғор ишчилар, коммунистлар сўзга чиқиб ўз тажрибаларини ўртоқлашадилар.

Яқин кунлар ичида «Янгийўл 50 йил ичида» деган китобча «Билим» жамияти томонидан босиб чиқарилади. Бу китобчада Октябрь революциясидан илгари ҳеч қандай саноатга эга бўлмаган Қовунчи қишлоғи Совет ҳокимияти йилларида республикамизнинг озиқ-овқат саноати марказн бўлган Янгийўл шаҳрига қандай қилиб айланганлиги тасвир этилган.

Область партия комитетининг пропаганда ва агитация бўлими тематикасига асосан шаҳарда анчадан буён Октябрь ўқишлари ташкил этилган. Бу ўқишларда лекцияларни шаҳар партия комитетининг бюро аъзолари, бўлим бошлиқлари, малакали пропагандистлар олиб бормоқдалар. Шунингдек штатсиз лекторларнинг ёрдами билан жойларда ҳар хил темаларда лекция ва суҳбатлар ўтказилаётир.

Шаҳар партия комитети ҳузурида, шунингдек, марказий ва касаба союз кутубхоналарида «Октябрь байроғи остида ярим аср» деган темада китоб кўргазмалари ташкил этилган. Ҳозир ҳамма ерда Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети июнь Пленуми қарорлари ва Октябрь революциясн 50 йиллигига бағишлаб чиқарилган Тезисларни ўрганиш кенг йўлга қўйилган.

Шаҳардаги кўпчилик корхона, ташкилот ва муассасалар шу йилнинг июль ойидан бошлаб беш кунлик иш ҳафтасига ўтдилар. Ана шуни ҳисобга олиб, шаҳар партия комитети ишчи ва хизматчиларнинг бўш вақтларида яхши дам олишлари учун улар ўртасида тушунтириш ва тарбиявий ишларни ҳар қачонгидан ҳам яхши йўлга қўйишни ўзининг асосий вазифаси деб билади.

Юқорида айтиб ўтилган ишларни бажаришда бошланғич партия, комсомол ва касаба союз ташкилотларининг роли катта бўлаётир.

Ҳеч шубҳа йўқки, юбилей йили учун белгиланган барча тадбирлар сўзсиз амалга оширилади. Улуғ Октябрнинг 50 йиллигини янги ғалабалар билан нишонлаймиз.

А. ЗОКИРОВ,
Янгийўл шаҳар партия комитетининг секретари.

ПАРТИЯ ХОДИМИ МИНБАРИ

МИНГ НУСХАНИНГ БИРИ

«КАПИТАЛ» 1-ТОМИ ЧИҚҚАНЛИГИНИНГ ЮЗ ЙИЛЛИГИГА ДОИР

Гамбург нашриёти 1867 йилда «Капитал» 1 томини атиги минг нусха босиб чиқарди. Лекин Маркс ёзган ана шу асарнинг босилиб чиққанлиги жуда катта, чинакам жаҳоншумул тарихий воқеа бўлган эди!

Ҳозир, орадан 100 йил ўтгач, «Капитал» миллион-миллион нусхаларда нашр этилган бир пайтда Гамбургда босилиб чиққан биринчи нашр китобларидан бирини қўлга олиб кўриш ғоят мўътабар имконият ҳисобланади.

—Бу китобни, —дейди В. И. Ленин номидаги СССР кутубхонасининг илмий ходими Л. Н. Петрова томни қалин картон ғилофдан олар экан, — махсус пўлат сандиқда, муайян ҳароратва намликда сақлаймиз. Вақтивақти билан мутахассислар китобни кўздан кечириб, зарур бўлгаи пайтда унн «даволайдилар». Бу нашрни Нодир китоблар бўлимидаги ўқув залида ўқиш учун олимларгагина, шунда ҳам махсус рухсат билан берилади.

Муътабар китобни авайлаб қўлга оламан. Унинг варақлари эскирган, лекин кимнингдир меҳрибон қўли муқовасини янгилаб қўйган. Муқова ичига «Н. А. Рубакин» деб ёзиб қўйилган.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЕР ФОНДИ

Ўзбекистон қишлоқ хўжалик министрлиги ер тузувчи олимлар ва мутахассисларнинг «Ўзбекистоннинг ер фонди» деган катта асарини нашр қилди. Асарда жадваллардан ташқари, ер-сув рангли картаси, ҳар бир область ва район майдонларининг жойланишини тасвирловчи графиклар биринчи марта эълон қилинди.

Китобда суғориладиган ва суғорилмайдиган барча категориялардаги ерлар анализ қилиб берилган. Суғориладиган массивларга алоҳида эътибор берилган. Ҳар бир колхоз ва совхоз ери таърифланган. Республикамизда эса бундай хўжаликлар сони 1330 га боради. Лалми ва чўл массивлари, яйловлар ва уларни сув билан таъминлаш юзасидан маълумотлар муфассал баён қилинган.

Ўзбекистон ер тузувчиларининг асари — тадқиқот ва лойиҳа институтлари, планлаштирувчи органлар, қишлоқ хўжалик корхоналари учун, шунингдек партия ва совет ходимлари, ўқув юртларининг студентлари учун қимматли қўлланмадир.

(ЎзТАГ).

МУКОФОТ МУБОРАК, АЗИЗ ОНАЛАР

Ўзбекистон ССРда истиқомат қилувчи кўп болали оналарга «Қаҳрамон она» фахрий унвони бериш тўғрисида СССР Олий Совети Президиумининг Фармони

Ўн ва ундан кўп болани туққан ва тарбиялаган қуйидаги оналарга «Қаҳрамон она» фахрий унвони берилсин ва «Қаҳрамон она» ордени ҳамда СССР Олий Совети Президиуми Ёрлиғи топширилсин.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИДАН

1. **Абдуллаева** Ominaxon—рўзғор ишидаги аёл, Ангрен шаҳридан.

2. **Абдуллаева** Баҳорой—рўзғор ишидаги аёл, Оққўрғон районидаги Оққўрғон қишлоғидан.

3. **Абдураҳимова** Садоқат—рўзғор ишидаги аёл, Бекобод шаҳридан.

4. **Аблоева** Зибон—Оржоникидзе районидаги Карл Маркс номли колхозининг аъзоси.

5. **Азимова** Маҳбуба —рўзғор ишидаги аёл, Калинин район Оқтепа қишлоғидан.

6. **Азизова** Ўғилча—рўзғор ишидаги аёл, Бекобод районидаги Олмазор қишлоғидан.

7. **Окраева** Ҳожар — рўзғор ишидаги аёл, Янгийўл районидаги Зангиота қишлоғидан.

8. **Алиева** Саида—Юқори Чирчиқ районидаги «Правда» колхозининг аъзоси.

9. **Алимова** Фотима— рўзғор ишидаги аёл, Тошкент шаҳридан.

10. **Амилова** Муътабархон — рўзғор ишидаги аёл, Ангрен шаҳридан.

11. **Аминова** Ибодат— рўзғор ишидаги аёл, Янгийўл шаҳридан.

12. **Орзиева** Сажи—рўзғор ишидаги аёл, Ўрта Чирчиқ районидаги Қорасув қишлоғидан.

13. **Асанбоева** Тожинисо—Ўрта Чирчиқ районидаги «Коммунизм» колхозининг аъзоси.

14. **Асатова** Муқаддам—рўзғор ишидаги аёл, Калинин районидаги Оқтепа қишлоғидан.

15. **Асқарова** Даматгул—рўзғор ишидаги аёл, Калинин районидаги Жумабозор қишлоғидан.

16. **Асқарова** Раҳима—Янгийўл районидаги Сверднов номли колхозининг аъзоси.

17. **Асқарова** Улмон— рўзғор ишидаги аёл, Бўка районидаги Кўкорол қишлоғидан.

18. **Аширматова** Анбарой—Янгийўл районидаги Х. Турсунқулов номли колхозининг аъзоси.

19. **Бобосаидова** Шаҳодат—рўзғор ишидаги аёл, Оққўрғон районидаги Қўрғонча қишлоғидан.

20. **Бойматова** Малоҳат — рўзғор ишидаги аёл, Пискент шаҳридан.

21. **Бекназарова** Майрамхон—рўзғор ишидаги аёл, Бекобод шаҳридан.

22. **Браун** Лина Борисовна—рўзғор ишидаги аёл, Ангрен шаҳридан.

23. **Вахитова** Зоҳида Габидуллиновна—Ўрта Чирчиқ районидаги Куйбишев номли колхозининг аъзоси.

24. **Ғафурова** Санобар—Янгийўл районидаги Х. Турсунқулов номли колхозининг аъзоси.

25. **Жалилова** Башира—рўзғор ишидаги аёл, Бўка районидаги Бўка қишлоғидан.

26. **Жамғирбоева** Аслхон — Юқори Чирчиқ районидаги Карл Маркс номли колхозининг аъзоси.

27. **Жўраева** Тожи—рўзғор ишидаги аёл, Оққўрғон районидаги Оққўрғон қишлоғидан.

28. **Жунисалиева** Салима—рўзғор ишидаги аёл, Калинин районидаги Кўксарой қишлоғидан.

29. **Ибодова** Манзура —рўзғор ишидаги аёл, Калинин районидаги Дамачи қишлоғидан.

30. **Иброҳимова** Малика—рўзғор ишидаги аёл, Оржоникидзе районидаги Товоқсой посёлкасидан.

31. **Имомова** Жамила— рўзғор ишидаги аёл, Янгийўл районидаги Зангиота қишлоғидан.

32. **Имомова** Зарип— рўзғор ишидаги аёл, Калинин районидаги Қорасув қишлоғидан.

33. **Ирсбекова** Қутби — рўзғор ишидаги аёл, Оржоникидзе районидаги Гулистон қишлоғидан.

34. **Эрматова** Зарифа, рўзғор ишидаги аёл, Ангрен шаҳридан.

35. **Исломова** Тўти— рўзғор ишидаги аёл, Янгийўл районидаги Халқаобод қишлоғидан.

36. **Исмоғилова** Зуҳра—рўзғор ишидаги аёл, Калинин районидаги Эшонгузар қишлоғидан.

37. **Қамбарова** Муътабар—рўзғор ишидаги аёл, Тошкент шаҳридан.

38. **Ким** Лариса — Ўрта Чирчиқ районидаги Киров номли совхоз ишчиси.

39. **Қулмуротова** Салима — рўзғор ишидаги аёл, Оққўрғон районидаги «Оққўрғон» совхози посёлкасидан.

40. **Мамедова** Дона — ишчи, Ангрен шаҳридан.

41. **Маҳкамова** Ҳадича — рўзғор ишидаги аёл, Ангрен шаҳридан.

42. **Маматова** Сабрия — рўзғор ишидаги аёл, Оржоникидзе районидаги Байтқўрғон қишлоғидан.

43. **Мирбобоева** Санобар — рўзғор ишидаги аёл, Бекобод районидаги Жумабозор қишлоғидан.

44. **Мирзаева** Зайнабхон — рўзғор ишидаги аёл, Бекобод районидаги Жумабозор қишлоғидан.

45. **Мирзаева** Маҳрам — рўзғор ишидаги аёл, Ангрен шаҳридан.

46. **Мирзақулова** Мири — рўзғор ишидаги аёл, Ангрен шаҳридан.

47. **Маркабоева** Ризвон Хасриевна — рўзғор ишидаги аёл, Олмалиқ шаҳридан.

48. **Мирпўлатова** Умр — рўзғор ишидаги аёл, Юқори Чирчиқ районидаги Паркент қишлоғидан.

49. **Мустафоева** Норҳол — рўзғор ишидаги аёл, Янгийўл районидаги Эски Тошкент қишлоғидан.

50. **Муҳиддинова** Хатима — ишчи, Оржоникидзе районидан.

51. **Назарова** Бўриниса — рўзғор ишидаги аёл, Оржоникидзе районидаги Байтқўрғон қишлоғидан.

52. **Нам** Галина — рўзғор ишидаги аёл, Оққўрғон районидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози посёлкасидан.

53. **Норматова** Тўти — рўзғор ишидаги аёл, Янгийўл районидаги Яллама қишлоғидан.

54. **Норимова** Карима — рўзғор ишидаги аёл, Оржоникидзе районидаги Гулистон қишлоғидан.

55. **Расултоева** Хурбуви — Оржоникидзе районидаги Карл Маркс номли колхоз аъзоси.

56. **Раҳимбоева** Ҳалима — Янгийўл районидаги Ленин номли колхоз аъзоси.

57. **Раҳмонова** Ўғилой — Ўрта Чирчиқ районидаги Энгельс номли колхоз аъзоси.

58. **Рашидова** Каромат — рўзғор ишидаги аёл, Калинин районидаги Жумабозор қишлоғидан.

59. **Рашидова** Мубор Едгоровна — рўзғор ишидаги аёл, Чирчиқ шаҳридан.

60. **Режаева** Қундуз — Оржоникидзе районидаги совхоз ишчиси.

61. **Сайдалиева** Тожи — рўзғор ишидаги аёл, Оҳангарон шаҳридан.

62. **Салимова** Бувинисо — рўзғор ишидаги аёл, Янгийўл районидаги Ниёзбоши қишлоғидан.

63. **Сулаймонова** Ортиқжон — Оржоникидзе районидаги 13-совхоз ишчиси.

64. **Султонбекова** Қамария — Бўка районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозининг аъзоси.

65. **Султонова** Холбиби — рўзғор ишидаги аёл, Оққўрғон районининг Қоратепа қишлоғидан.

66. **Толибжонова** Жаннат Олиевна — ишчи, Оржоникидзе районидан.

67. **Толипова** Турди — рўзғор ишидаги аёл, Оржоникидзе районидаги Тузал қишлоғидан.

68. **Тўлаганова** Моҳира — Калинин районидаги Ленин номли колхоз аъзоси.

69. **Туробова** Рихси — Оржоникидзе районидаги Карл Маркс номли колхоз аъзоси.

70. **Турдиалиева** Галия Камоловна — рўзғор ишидаги аёл, Тошкент шаҳридан.

71. **Турдибоева** Бузубайда — рўзғор ишидаги аёл, Оққўрғон районидаги Уяли қишлоғидан.

72. **Турсунова** Арофат — Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхозининг аъзоси.

73. **Убайдуллаева** Муборак — рўзғор ишидаги аёл, Калинин районидаги Қорасув қишлоғидан.

74. **Умарова** Машкура — рўзғор ишидаги аёл, Юқори Чирчиқ районидаги Паркент қишлоғидан.

75. **Умрзоқова** Каромат — Оржоникидзе районидаги Байтқўрғон қишлоғидан.

76. **Ҳайдарова** Зинаида Артёмовна — рўзғор ишидаги аёл, Янгийўл районидаги Олмазор посёлкасидан.

77. **Ҳайдарова** Зулайҳо — рўзғор ишидаги аёл, Пискент шаҳридан.

78. **Ҳолматова** Мукаррам — рўзғор ишидаги аёл, Калинин районидаги Қулобод қишлоғидан.

79. **Ҳолматова** Марзия — Юқори Чирчиқ районидаги Свердлов номли колхоз аъзоси.

80. **Холматова** Ғулжон — Пискент шаҳридаги 1-«Пискент» совхозининг ишчиси.

81. **Хусанова** Гулнора — Оржоникидзе районидаги 14-совхоз ишчиси.

82. **Эргашева** Раҳима — рўзғор ишидаги аёл, Калинин районидаги Бўзсув қишлоғидан.


83. **Эршова** Урбу — Оржоникидзе районидаги «Қозоғистон ССР 30 йиллиги» колхозининг аъзоси.

84. **Йўлдошева** Қумри — рўзғор ишидаги аёл, Оржоникидзе районидаги Чинобод қишлоғидан.

85. **Йўлдошева** Лутфи — рўзғор ишидаги аёл, Калинин районидаги Қизилдеҳқон қишлоғидан.

СССР Олий Совети Президиумининг Ранси
Н. ПОДГОРНИЙ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1967 йил 29 август.



Тошкентдаги тўқимачилик машинасозлиги заводи ҳозирги замон янги асбоб-ускуналари билан жиҳозланган. Бу ерда ихтирочн ва рационализаторлар ташаббуси билан тўқув дастгоҳлари ишлаб чиқаришда кўплаб материал ва маблағлар тежаб қолинмоқда. Суратда: пешқадам слесарь-йиғувчилар бригадасининг аъзолари Михаил Куликов ва Вячеслав Андреевлар агрегат олдида.

Р. Шамсиддинов ва Б. Мўминов фотоси.
(ЎзТАГ фотохроникаси).

ҚИШЛОҚЛАРИМИЗ ОБОД БЎЛМОҚДА

Улуғ Ватан урушининг қатнашчиси, пенсионер Жамил Жалоловнинг ҳовлисига ёқиб қўйилган машъала ярим тунгача ўчмади. У ердаги кишиларнинг гап-сўзлари, қаҳ-қаҳалари узоқларга эшитилиб турди. Ер-биродарлар, қариндош-уруғларнинг ҳаммаси бугун шу ерда, хашарга келишган. Пенсионерга янги уй қуриб беришяпти. Бири лой қориб, томга отяпти, бири дўппослаб босяпти. Яна бири дераза рамини ўрнатмоқда.

Хашарчилар ишдан кейин бир неча кун босим Жамил аканинг уйига келишди. Қўлларидан келган ёрдамни кўрсатишди. Шундай қилиб бўм-бўш жойда шинамгина иморат қад кўтарди.

— Кўпдан қуён қочиб қутилмас экан, — деб ўз миннатдорчилигини изҳор қилади собиқ жангчи, — хашар бўлмаганда янги уйни қисқа вақт ичида тиклаш осон бўлмас эди. Менга жиқиндан ёрдам берган ҳамқишлоқларимга раҳмат!

Тажрибали сувчи Ислом Исаев, звено бошлиғи Саидумар Исроиловлардан ҳам ана шундай чин қалбдан айтилган илиқ сўзларни эшитишингиз мумкин. Бизнинг колхозчиларимиз бир-бирларн билан иноқ. Қўлларидан келган ёрдамни ҳеч аямайди. Колхозимизнинг Эски Қўрғон қишлоғида бундан бир неча йиллар илгари гувалдан тикланган 27 уй бор эди. У ҳам қишлоқнинг чор атрофига тарқалган эди. Бу эса қишлокни ободонлаштиришни анча қийинлаштирди. Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти, маҳаллий совет депутатлари билан бирга бундай аҳволнинг олдини олиш учун барча чораларни кўрди. Активлар, тажрибали қариялар билан гаплашилди. Шундан кейин бир фикрга келдик. Қишлоқ аҳолисининг ҳаммасини марказий кўча ёнига кўчиб чиқишга ва ерда планли уй-жойлар қуришга даъват қилдик. Шундай қилинса, барча хонадонлар электрлаштирилади, газ келтирилади, кўчаларга асфальт қилинади, радио эшитамиз, телевизор кўрамиз, дедик. Бу фикр каттадан-кичикнинг ҳаммасига маъқул тушди. Маҳаллий Совет депутатлари бу ишни амалга ошириш соҳасида ташаббус кўрсатабошладилар. Ташкилотчилик ишларини кучайтирдилар. Ҳар бир хонадонга ер участкаси ажратиб берилди. Ўтган йили эски Қўрғон ўрнида Янги Қўрғон қишлогини барпо қилишга киришдик. Колхоз правлениеси қурилишдан кўз-қулоқ бўлиб турди. Янка тартибда уй қурувчиларга шифер, ёғоч берилди. Депутатлар, коммунистлар, комсомоллар ҳам шарлар ташкил қилиб, қурилиш ишларини тезлаштирдилар.


Механизатор Ҳайдарали Усмонов, олти хонали уй қурпо олди. Бригада бошлиғи Абдураззар Абдужабборовнинг оиласи катта. Шунинг учун ҳам у саккиз хонали уй қурди. Пенсионер Иброҳим Рустамов, колхозчи Умар Нурматовлар ҳам тўрт-беш хонали шинам уйларга кўчиб киришди.

Бу йил қурилишимиз яна жадал бораяпти. Яна 17 хонадон яқин кунлар ичида янги уй-жойлик бўлиб олади. Ҳозир бу кичик қишлоққа келган киши бўм-бўш ётган ерларда чиройли, шинамгина қишлоқ вужудга келиб қолганидан хурсанд бўлади. Колхозчиларимиз бадавлат. Янги уй-жойлар қурилиши тамомланиши билан электр чироқлари ҳам келтирилди. Энди аҳоли радио эшитиб, телевизор кўрмоқда. «Заигори ёқилғи» билан таъминланди.

Яшил дарахтларга ўралган — Маданият қишлоғи ҳам бизданги кўҳна қишлоқлардан бири ҳисобланади. Бу ерда эски уй-жойлар анчагина бор. Биз бу қишлоқни ҳам қайта қуришга киришдик. Эски биноларни бузиб, ўрнига пойдевори бетондан, пишиқ ғиштдан ҳашаматли уйлар қурабошладик. Ҳозир шундай уйлардан 20 таси тайёр бўлди. 15 тасига пойдевор ётқизилди. Колхозимиз территориясидаги Янгиобод қишлоғининг жамоли ҳам ўзгариб бормоқда.

Умуман колхозимиздаги учала қишлоққа борманг, у ерларда жадал суратлар билан қурилиш ишлари кетаётганини кўрасиз. Биз қишлоқларимиз жамолини ўзгартирнб, ҳар бир колхозчининг маданий, фаровон ҳаёт кечиришини таъминлаш тадбирларини кўраяпмиз. Қишлоқда обод кўчалар кўпаймоқда. Клуб, мактаблар, болалар боғчаси, дала шийпонлари қурилиши жадаллаштирилмоқда.

С. САЙМАКОВ,
Бўка районидаги «Коммунизм» колхозининг раиси.



Бу йигит Тошкент ГРЭСи 6-блокининг щит бошқарув машинисти Г. А. Мамоновдир. У аппаратларнинг қанчалик аниқ ва тўғри ишлашини кузатмоқда. ГРЭС қуввати ҳозир 1 миллион киловатт-соатга етди. Шу кунларда юбилей шарафига 7-энергоблокни монтаж қилиш ишлари тугалланаётир.

Г. Пун фотоси, (ЎзТАГ фотохроникаси).

МОНТАЖЧИЛАР АҲДИ

Юбилей йилида «Таштепломонтаж» бошқармаси коллективи қувончли ютуқларга эришмоқда. Улар қисқа муддат ичида областимизнинг ғишт заводларига қўшимча равишда 125 миллион дона аъло сифатли пишиқ ғишт тайёрлаб бера оладиган печларни фойдаланишга топширдилар. Пойтахтимиздаги ёғ-мой комбинати учун мўлжалланган улкан холодилник қурилиши ҳам тез суръатлар билан олиб борилди. С. Кирилов раҳбарлик қилаётган коммунистик меҳнат бригадаси аъзолари бу объектни муддатидан илгари топширишга муваффақ бўлдилар. К. Муҳаммаджонов бошқараётган коммунистик меҳнат бригадаси ҳам яхши натижаларни қўлга киритяпти. Улар белгиланган объектни муддатидан уч ой олдин фойдаланишга беришди.

«Таштепломонтаж» бошқармаси коллективи фақат пойтахт саноат корхоналари учун эмас, шунингдек Ўрта Осиё республикалари учун ҳам намунали хизмат кўрсатмоқда. Чунончи, Қирғизистон ССРнинг Қизил-қия районидаги ғишт заводи учун йилига 50 миллион дона ғишт ишлаб бериш имконини берадиган тоннель печи қуришда А. Марков бригадаси катта ҳисса қўшди.

— Шу кунларда,— деб ҳикоя қилади бошқарма партия комитетининг секретари С. Уварова.—К. Муҳаммадхўжаев, В. Месевренко ва бошқа кўпгина ўртоқлар бошлиқ бригадалар «Улуғ Октябрь 50 йиллиги» номини олиш учун курашаётирлар.

Коллектив йиллик қурилиш-монтаж ишлари планини 25 октябргача адо этиш ниятида баракали меҳнат қилмоқда.

Т. НАЖМИЙ.

ВЬЕТНАМ ХАЛҚИНИНГ БАЙРАМИ

ВЬЕТНАМ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ 22 ЁШГА ТЎЛДИ

Агрессорларга қарши курашда қаҳрамон Вьетнам халқига муваффақиятлар тилаймиз

ҲАҚ ИШ ҒАЛАБА ҚИЛАДИ.

КУРАШ ВА ҚАҲРАМОНЛИК ЙИЛЛАРИ

Қаҳрамон Вьетнам халқи бундан 22 йил муқаддам, 1945 йил 2 сентябрда француз мустамлакачиларига қарши узоқ йиллар миллий-озодлик кураши олиб бориб, ўз мустақиллигини қўлга киритди. Вьетнам Демократик Республикасининг меҳнаткашлари ана шу тарихий кунни мамлакат экономикасида, саноатда, қишлоқ хўжалигида ва маданиятда қўлга киритган ажойиб меҳнат ғалабалари билан кутиб олмоқдалар. Вьетнам Демократик Республикасининг босиб ўтган 22 йиллик йўли—Вьетнам меҳнаткашлар партияси раҳбарлигида Вьетнам халқининг очлик ва қашшоқлик, эксплуатация ва зулмга қарши, Ватан озодлиги ҳамда социализм тик жамият қуриш учун олиб борилган жанговар йўлдир.

Вьетнам халқи салкам бир аср давомида француз мустамлакачиларининг зулми остида азилиб келди. Ҳатто мамлакатнинг миллий номи дунё харитасидан ўчириб ташланди ва «Француз Ҳинди-Хитойи» деган ном олди. Аммо мард Вьетнам халқининг француз империалистларига қарши озодлик кураши тўхтамади.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг сабоқлари, марксизм-ленинизм ғоялари Вьетнам халқининг озодлик ҳаракатига гоят катта таъсир кўрсатди. Иккинчи жаҳон урушида Совет Армияси томонидан гитлерчилар Германияси ва империалистик Япониянинг тор-мор қилиниши мамлакатда миллий-озодлик курашини кучайтириб юборди. Ниҳоят, 1945 йилда халқ демократик революцияси ғалаба қилди ва ўша йилнинг 2 сентябрида Вьетнам Демократик Республикаси тузилганлиги эълон қилинди.

Шарқи-Жанубий Осиёда ягона демократик давлат — Вьетнам Демократик Республикасининг вужудга келиши империалистик давлатларни таҳликага солиб қўйди. Франция империалистлари ёш республикага қарши 1946 йилда яна уруш бошлади. Вьетнам халқи тинч-тирноғигача қуролланган чет эл босқинчиларига қарши Коммунистлар партияси бошчилигида ҳамжиҳат бўлиб, ўз озодлиги ва мустақиллиги учун қаҳрамонона кураш олиб борди.

Совет Иттифоқи бошлиқ социалистик мамлакатларнинг халқлари ва барча прогрессив инсоният француз империализмининг бу ёвуз агрессия сини қаттиқ қоралади, эрксевар Вьетнам халқини маънавий томондан қўллаб-қувватладилар. Саккиз йил давом этган бу қонли уруш мустамлакачиларнинг шармандаларча мағлубияти ва вьетнам халқининг зўр ғалабаси билан тугади. Бироқ, француз босқинчилари америка империалистларининг ёрдами билан ўзлари босиб олган территорияда қўғирчоқ ҳукумати туздилар. Натижада Вьетнамда иккита давлат—Шимолий Вьетнамда Демократик Республика, Жанубий Вьетнамда эса реакцион «Вьетнам республикаси» пайдо бўлди.

Шимолий Вьетнам Демократик республикасининг вужудга келиши мустақил экономикани тиклаш ва бу йўлда катта муваффақиятларга эришиш имконини яратиб берди. Вьетнам халқи йигирма икки йил ичида Меҳнаткашлар партияси раҳбарлиги остида улкан ютуқларни қўлга киритди. Халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1958—1960 йилларга мўлжалланган уч йиллик ҳамда 1961—1965 йилларга мўлжалланган биринчи беш йиллик планларининг амалга оширилиши натижасида саноат, қишлоқ хўжалиги анча ривожланди ва шу билан бирга халқнинг моддий-маданий турмуши ҳам яхшиланди.

1956—1957 йилларда мамлакатда аграр реформа ўтказилиб, мустамлакачилар ва маҳаллий феодаллар қўлида бўлган 810 минг гектар ер деҳқонларга тақсимлаб берилди. Натижада 2 миллион 612 минг деҳқон хонадони ёки барча деҳқонларнинг 80 проценти ер билан таъминланди. Аграр реформа ишлаб чиқариш кооперативлари орқали социализмга ўтиш учун қулай шароит яратди. Ҳозир мамлакатда ўн мингдан кўпроқ қишлоқ хўжалик кооперативлари бўлиб, улар қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда катта роль ўйнамоқда.

Халқ ҳокимияти йилларида мамлакат саноати ҳам тез ривожланди, бир неча ўнлаб саноат корхоналари ишга туширилди. Айниқса, мамлакатнинг машинасозлик, металлургия, энергетика ҳамда тоғ саноати ривож топди. Илгари ҳатто игнани ҳам четдан келтирадиган мамлакатда энди-линда токарлик станоклари, кучли трансформаторлар, электр моторлари, сув насослари ясалянти. Шимолий Вьетнам ишлаб чиқараётган турли саноат моллари бошқа мамлакатларга ҳам экспорт қилинмоқда.

Халқ хўжалигида қўлга киритилган ютуқлар меҳнаткашларнинг моддий ва маданий ҳаётини яхшилашда катта роль ўйнамоқда. Ишчиларнинг иш ҳақи қарийб 80 процент кўпайди, деҳқон хўжаликларининг даромади эса 50 процент ошди. Халқ маорифи системаси ҳам қайтадан ташкил қилинди. Мактаблар реформа қилиниб, бепул ўн йиллик таълим системаси жорий этилди. Ҳозир мамлакатда кўплаб олий ўқув юртлари бўлиб, уларда таълим олаётган студентлар сони ортиб бораётир. 1965 йилда Вьетнам студентлари мамлакатда энг йирик бўлган яна бир янги ўқув юртига эга бўлдилар. Бу—Совет Иттифоқи ёрдами билан Ханойда қурилган политехника институтидир. Бу институтда етти минг студент таълим олади. Республикада саводсизлик деярли тугатилди.

Мамлакатда соғлиқни сақлаш ишлари ҳам яхши йўлга қўйилган. Ҳозир Вьетнам Демократик Республикасида ҳеч қандай эпидемик касалликлар қолмади. Республикада ўнлаб медицина муассасалари, болалар боғчалари ва яслилар қурилиб ишга туширилди. Аҳоли учун кўплаб уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Ёш республиканинг қишлоқ хўжалиги ва саноатини тиклаш ва қайта қуришда Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик давлатлар вьетнам халқига бегараз ёрдам кўрсатиб келмоқдалар. Ўзаро шартномаларга биноан, Совет Иттифоқи 1955—1958 йилларда мамлакатда 185 корхона ва объектни қуриб топширишга ёрдам берган эди. Ўтган вақт мобайнида совет, лойиҳалари асосида, совет мутахассислари кўмаги билан ўнлаб завод ва фабрикалар қад кўтарди. Мамлакатда бир неча кудратли гидроэлектростанциялар, балиқ-консерва заводи, иккита чой фабрикаси, шунингдек Каобангда қалай комбинати, Ханойда механика заводи, Лам-Тхаода суперфосфат корхонаси, Лаокада апатит кони ва бошқалар СССРнинг дўстона ёрдамида қурилиб ишга туширилди. Совет мутахассислари вьетнамлик дўстларига ўз тажрибаларини ўргатмоқдалар, уларга илмий-текшириш ишларини ташкил этишда, миллий кадрларни тайёрлашда ва бошқа ишларда самимий ёрдам бериб келмоқдалар.

Серқуёш Ўзбекистон ҳам Вьетнам Демократик Республикасининг равнақи учун ўз ҳиссасини қўшиб келяпти. Ўзбекистоннинг кўпгина корхоналарида тайёрланган турли маҳсулотлар дўстона Вьетнамга юбориб турилибди. Республикамиз олий ўқув юртларида бир қанча вьетнамлик студентлар таълим олмоқдалар.

Шимолий Вьетнам ҳукумати ўз ташқи сиёсатида тинчлик сиёсатини оғишмай амалга ошираётир, ҳар қандай агрессив ҳарбий блокларга қарши чиқмоқда ва шу билан бирга социалистик мамлакатлар билан бўлган қардошлик алоқаларини ҳартомонлама ривожлантириб бораётир.

Вьетнам Демократик Республикасининг меҳнаткашлари социалистик жамият қуриш учун фидокорона меҳнат қилаётган бир вақтда Жанубий Вьетнам халқи Америка империализми ва унинг маҳаллий малайлари зулми остида азоб чекмоқда. Америка империалистлари Вьетнамнинг жанубида қуролли интервенцияни кенгайтириб бормоқдалар. У ерга Америка қўшинларининг янгидан-янги қисмлари юборилаётир. Лекин Жанубий Вьетнам ватанпарварлари душманнинг барча ҳаракатларига қарши ўз вақтида зарбалар бериб бормоқдалар. Америка босқинчилари ва уларнинг Сайгондаги қўғирчоқлари Шимолий Вьетнам территориясига ҳам бир неча марта ҳужум қилдилар ва бу қонли урушни давом эттирмоқдалар. Америка босқинчилари Вьетнам Демократик Республикасига қарши ўтган йили 60—70 марта ҳужум қилдилар. Уларнинг ҳужумлари бу йил ҳам тўхтагани йўқ. Кейинги кунларда, яъни шу йилнинг 21, 22, 23 августида Америка самолётлари Вьетнам Демократик Республикасининг пойтахти — Ханой марказидаги ва шаҳар атрофидаги бир қанча аҳоли яшайдиган районларни ва иқтисодий объектларни жуда қаттиқ бомбардимон қилди.

АҚШнинг Вьетнамга қарши олиб бораётган агрессиясига бутун дунё меҳнаткашлари нафрат билан қарамоқдалар. Жаҳонининг барча тинчликсевар кучлари бу ердаги урушга қарши митинг ва намойишлар ўтказаётирлар ва агрессияни дарҳол тўхтатишни талаб қилмоқдалар.

Совет халқи Вьетнам халқига қарши АҚШ агрессиясини газаб билан қораламоқда ва шу билан бирга ҳақ-ноҳақ иш учун курашаётган Вьетнам халқига қизғин хойрихоҳлик билдириб, уларни қўллаб-қувватламоқда. ТАССнинг 23 августдаги баёнотида бундай дейилади: «Америка империалистларининг Вьетнам Демократик Республикасига қарши, Вьетнам халқига қарши қилаётган янги жиноят корона ҳаракатлари муносабати билан совет раҳбар доираларида тегишли хулосалар чиқариб олинмоқда. Вьетнамдаги урушни кучайтириш йўлида АҚШ қилган ҳар бир янги қадам муқаррар равишда зарур жавоб чоралари кўрилишига сабаб бўлади».

Вьетнам Демократик Республикаси меҳнаткашлари ана шундай оғир шароитда иш олиб бормоқдалар. Улар бир томондан АҚШ агрессиясига қарши зарба бераётган бўлсалар, иккинчи томондан Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик давлатларнинг дўстона ёрдамида социализм қуриш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Вьетнам халқининг миллий байрами кунида барча совет кишилари қатори республикамиз меҳнаткашлари ҳам уларни қизғин қутлайдилар, агрессорларга қарши курашда ҳамда миллий экономика ва маданиятни юксалтиришда катта муваффақиятлар тилайдилар.

И. УСМОНОВ,
Узбекистон ССР Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг илмий ходими.



ВЬЕТНАМ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ эълон қилинган кунининг 22 йиллигини ҳаво мудофааси отрядларининг жангчилари жанговар постда кутиб олдилар. Суратда: жангчилар Америка ҳаво қароқчиларига қарши кучли зарба тайёрламоқдалар. ВИА—ТАСС фотоси.

ХАТДА АЙТИЛМАГАН СЎЗ

ТО ХА
Вьетнам Демократик Республикаси

Конверт узра секин қўнганда марка
Чиқабошлар унинг қўша қанотин.

* * *

Почтальон саҳарлаб тушади йўлга,
Давонлардан ошиб ўтгунча у
Қоронғи тун аста ташлайди кўлка,
Гоҳо булут ичра ой боқар сулув.
Ёмғирли, бўронли йўлдан ўтар гоҳ,
Гоҳ учрар тошларни кемирган тўлқин.
Ўрмонда ўкирар арслон подшоҳ,
Совуқ шамол тинмай уради тиғин,
Гоҳ ёрилган бомба йўлда келар дуч,
Тупроқ ва тош учар дафъатан кўкка,
Почтальон сумкаси бағрига босиб
Олға интилади, боради тикка...

* * *

Эгасига бориб етгунча токи
Марка қанот мактуб билмайди тинин.
Аммоки йўлларда дуч келган азоб
Ҳақида бир сўз ҳам йўқдир мактубда.

Ю. ШОМАНСУР
таржимаси.

ҚОТИЛЛАРНИНГ ТАЛАФОТЛАРИ

НЬЮ-ЙОРК. 31 август. (ТАСС). Жанубий Вьетнам ватанпарварлари кеча Сайгон районида жазо операциялари билан шуғулланаётган Америка батальонига ҳужум қилганлар, ватанпарварлар ўқ узиб америкалик солдатлардан 8 кишини ўлдирган ва 34 кишини яралаган. Юнайтед Пресс Интернейшнл агентлиги мухбирининг хабар беришича, ватанпарварларнинг бошқа бир группаси Биньтхуан вилоятининг асосий шаҳри-Фанхиетни ўққа тутганлар.

Вьетнамга тинчлик берилсин

В Д Р

Вьетнам Демократик Республикаси маориф министрлиги республика мактабларини шарқлик бомбалар билан бомбардимон қилиш ва ўққа тутишни давом эттираётган Америка империалистларини кескин қоралади. Вьетнам информация агентлиги тарқатган шу баёнотида министрлик бутун дунёдаги маориф ходимларига, олимларига мурожаат қилиб, уларни Америка агрессорларини қоралашга ҳамда Вьетнам Демократик Республикаси болалари билан ўқитувчиларини ўлдираётган Америка империалистларининг жиноятларини тўхтатиш учун конкрет чоралар кўришга даъват этди.

Ф Р А Н Ц И Я

Вьетнам халқининг озодлик ва мустақиллик учун олиб бораётган адолатли курашини қўллаб-қувватлаш юзасидан бошланган кенг миқёсдаги ҳаракат Францияда бир кун ҳам тўхтаётгани йўқ. Вьетнам билан бирдамлик фондига маблағ тўплаш, агрессияни дарҳол тўхтатиш талаби ёзилган талабнома ва телеграммаларни Вашингтонга юбориш, тинчлик тарафдорлари делегацияларининг Париждаги АҚШ элчихонасига бориши — шуларнинг ҳаммаси мамлакат сиёсий ҳаётининг ўзига хос ажралмас қисми бўлиб қолди.

Турли сиёсий маслакдаги Француз матбуоти Америка интервентларининг курашаётган Вьетнамни тиз чўктириш учун қилаётган уринишлари беҳуда эканлигини таъкидлаб ёзмоқда.

Д А Н И Я

Коммунистлар уюштирган жуда катта намойиш курашаётган Вьетнам билан бирдамлик шиорларини кўтариб, Дания пойтахти кўчаларидан ўтди. Шаҳардаги майдонлардан бирида Дания Компартиясининг раиси Кнуд Есперсен намойишчилар ҳузурида нутқ сўзлади. У, Дания халқини империалистларнинг агрессия режаларига қарши курашни кучайтиришга чақирди. Сўнгра намойишчилар АҚШ элчихонасига бориб, АҚШ президенти Жонсон номига Америка қўшинларини Вьетнамдан олиб кетиш талаб қилиб ёзилган баёнотни топширдилар.

А Қ Ш

«Хотин-қизлар, тинчлик учун курашингиз» ҳаракатида қатнашувчи Америка аёллари Вьетнам Демократик Республикаси территориясини бомбардимон қилиш кучайтириб юборилганлигига қарши норозилик юзасидан Оқ уйга кираберишни қуршаб олдилар.

Америкалик оналарнинг қўлида яқинда «Вьетнам хотин-қизлар федерацияси» номидан ёзилган телеграмманинг нусхалари бор эди. «Ханой марказига осмондан қилинаётган ҳужумлар,— деб таъкидланади телеграммада, — урушни ҳаддан ташқари хатарли равишда кенгайтиришнинг ўзидир».

Оқ уйни қуршаб турган аёллар йўловчиларга телеграмманинг нусхаларини тарқатдилар. Телеграмма ёзилган қоғознинг орқасига «хотин-қизлар тинчлик учун курашингиз» ҳаракати раҳбарлигининг Вьетнам Демократик Республикасини бомбардимон қилишни тўхтатиш тўғрисидаги талабни барралла қўллаб-қувватлашга чақириб мамлакат жамоатчилигига қилган мурожаати ёзиб қўйилган.

* * *

Вьетнамдаги уруш, дейилади «Вьетнамдаги урушни тўхтатиш учун миллий сафарбарлик комитети»нинг баёнотида, — «Америка қонунлари ва халқаро ҳуқуқни, ахлоқнинг инсоний нормаларини ва Америка халқининг миллий манфаатларини бузади».

Вашингтон бутун дунёнинг кўз ўнгида ўз халқига ёлғон гапларни айтмоқда ва дунёдаги бошқа мамлакатларни менсимай қарамоқда. Қолбуки, биз Американинг ўзида «қора танлилар ва бошқа кишилар—Америка камбағаллари ўз иззатини ва ўз турмушига ўзи хўжайин бўлиш ҳуқуқини қаттиқ туриб ҳимоя қилаётганлигини кўриб турибмиз», дейилади баёнотда. — Бунга жавобан шу кишиларга ҳавойи программани тавсия этмоқдалар, бу нарса кор қилмагач, камбағалларга қарши танклар ва аскарлар юбормоқдалар.

Баёнотда таъкидлаб айтилишича, комитет вьетнамликлар ва Америка негрлари ўз тақдирини ўзи белгилаш учун олиб бораётган курашни қўллаб-қувватлайди.

Таниқли молиячи Маринер Экклс Сан-Франциско савдо-саноат доираларининг 500 га яқин вакили ҳозир бўлган йиғилишда сўзга чиқиб, Қўшма Штатлар Вьетнамдан чиқиб кетиши ва ўзининг ташқи сиёсатини қайта кўриб чиқиши лозим, деб айтди.

«Бизнинг Вьетнамдаги беҳуда сиёсатимизни давом эттиришга уриниш, — деди Экклс, — ақлдан озиш бўлур эди».

(ТАСС).

ЖАНУБИЙ ВЬЕТНАМДАГИ ҚАМОҚХОНАГА ҲУЖУМ ҚИЛИНДИ

НЬЮ-ЙОРК. 30 августда Жанубий Вьетнам ватанпарварлари кучли миномёт ўти паноҳида Куангнгайдаги қамоқхонага бостириб кириб, 1.200 маҳбусни бўшатиб юбордилар.

Шу йил апрель ойидан бери ватанпарварлар шу билан қамоқхоналарга учинчи марта ҳужум қилдилар. (ТАСС).

ХАНОИДА ҲАВО ТРЕВОГАЛАРИ

ХАНОЙ, 31 август. (ТАСС). Аввалги кунлардаги сингари бугун ҳам Ханойда бир неча марта ҳаво тревогаси берилди. Америка самолётлари шаҳар районида 30—50 километрли доирада учиб юрмоқда. Пойтахт ҳимоячилари осойишталик ва матонат нўрсатмоқдалар. Доимо ҳаво тревогаси берилиб турганига қарамай, шаҳар аҳолиси тинч яшамоқда ва меҳнат қилмоқда.



Капитан Лам Ван Лик — Вьетнам халқ армиясининг қаҳрамони. У Америка авиацияснга қарши ҳаво жангларида намуна кўрсатди. ВИА—ТАСС фотоси.



ХАНОЙ. Бу ерда янги ўқув йили бошланди. Бу ўқув йили ҳарбий шароитда учинчи марта ўтмоқда. Суратда: мактабда машғулотлар пайтида. МТИ—ТАСС фотоси.

ИСПАНИЯДА РЕПРЕССИЯЛАР

ЛОНДОН, 31 август. (ТАСС). Рейтер агентлиги хабар беради. Валенсиядаги Испания ҳарбий суди меҳнаткашларнинг шу йилги биринчи май намойишида қатнашган испанлардан беш кишини қуролли кучларни ҳақорат қилганликда айблаб, 12 ойдан тўрт йилгача муддат билан қамоққа ҳукм қилди.

Бу йилги биринчи май намойиши вақтида 500 дан ортиқ киши ушлаб олинган эди. Шу намойишларнинг қатнашчилари қасаба союз эркинликларини ҳимоя қилиб, мамлакатда ислоҳотлар ўтказишни талаб қилиб чиққан эдилар.

ИРҚЧИЛАРНИНГ ЎЗБОШИМЧАЛИГИ

НЬЮ-ЙОРК, 31 август. (ТАСС). Бундан бир ой муқаддам негрларнинг шиддатли ғалаёнлари бўлиб ўтган Милуоки шаҳридаги (Висконсин штати) аҳвол яна кескинлашди. Шаҳар мэри Генри Мейер бугун ҳар қандай намойишларни бир ойгача тақиқлаб қўйди.

Икки кундан бери кечқурун шаҳарда негрларнинг уй-жойларни ижарага олиш вақтидаги ирқий камситишга қарши норозилик намойишлари бўлиб ўтди. Милуокида 86 минг негр яшайди — уларнинг жуда кўпчилиги негрлар яшайдиган вайрона кулбаларда кун кечиришмоқда. Шаҳарнинг уй-жой шароити бир мунча дуруст бўлган районларига негрларнинг оилалари киритилмайди. Чунончи, Милуокининг жанубий қисмида атиги олти негр оиласи яшайди.

Намойишчилар билан оқ ирқчиларнинг гуруҳлари ўртасида тўқнашувлар бўлиб ўтди. Полиция неча марталаб қўздан ёш оқизувчи газ ишлатди. 24 киши яраланди, 61 киши қамоққа олинди. «Номаълум шахслар» негрларнинг «қора танли аҳоли тараққиётига» кўмаклашувчи миллий уюшманинг ёшлар кенгаши» деган ташкилот биносига ўт қўйдилар.

Кеча кечқурун таёқлар ва милтиқлар билан қуролланган полиция негрларнинг ирқий камситишга қарши норозилик намойишини қайдаб юборди. Полициячилар намойишчиларни калтакладилар, уларни ерда судраб юриб полиция машиналарига иргитдилар. 50 киши қамоққа олинди.

ХИТОЙДАГИ ВОҚЕАЛАР

Пекинда барабанларнинг гумбирлаши кечаю-кундуз тинмаяпти, хунвейбинлар билан цзаофанларнинг колонналари юриб турибди. Кўпдан-кўп митингларда сўзга чиқаётган нотиқларнинг бўғилиб қолган овозлари радио карнайлардан янграмоқда. Уйларнинг деворларига ва махсус қурилган стендларга кўплаб шиорлар ҳамда дацзи баолар ёпиштирилган. Ҳукумат резиденцияси — Чжунаньхай районида хунвейбинларнинг плакатлари «раис Мао йўлига» қаршилик кўрсатишда айбланаётган Лю Шао-Ци, Дэн Сяо-Пин, Тао Чжу ва бошқа бир канча Хитой арбобларини «судраб чиқиш»га даъват этмоқда.

Вилоят газеталарининг хабарларн чекка ўлкаларда ҳам аҳвол кескин эканлигидан далолат бермоқда.

Матбуотнинг хабарларига кўра, Хитойнинг жанубидаги Гуйян шаҳри районида август ойининг сўнгги ўн куни ичида «жиддий сиёсий воқеалар юз берган»: «Партияда ҳокимият тепасида турган шахслар» маоцзэдунчилар Гуйчжоу вилоятида барпо этган «революцион комитетга» ва уни қувватлаган ҳарбий қисмлар билан цзаофанларга қарши ишчиларнинг чиқишларини уюштирганлар.

Мамлакатнинг шарқида, Чжэцзян вилоятида Вэньчжоу районида яқинда бўлган воқеалар сўнгги кунларда диққат марказида турибди. Бу ерда «Чжэцзян жибао» газетасининг ёзишича, партия ходимлари раҳбарлигидаги «Вэньляндзун» ташкилоти маҳаллий маоцзэдунчиларни «бостирган». Тўқнашувлар натижасида қурбон бўлган кишилар бор.

Чет эл мухбирларининг маоцзэдунчилар контроли остида бўлган Шанхай радиосига асосланиб берган хабарларига қараганда, яқинда Шанхайдаги очиқ суд мажлисида Мао Цзэдуннинг «Икки йирик мухолифи» ўлим жазосига ҳукм қилинган. Радио бу кишиларнинг суддан кейин дарҳол қатл этилганлигини хабар килган. Радио ўлимга ҳукм қилинган ва қатл этилган икки кишининг Хитой Халқ Республикасининг раиси Лю Шао-Ци билан бевосита алоқа қилиб турганлигини ҳам хабар қилган.

(ТАСС).

ВИЗИТ ТУГАДИ

СТОКГОЛЬМ. 31 август. (ТАСС). Полковник В. И. Медведев қўмондонлигидаги бир группа «МИГ-21» совет қирувчи самолетлари Швецияга қилган тўрт кунлик визитини бугун тугаллади.

Визит вақтида совет учувчилари 76-авиафлотилиянинг Упсала шаҳри яқинидаги аэродромига ўз самолетларини жойлаштириб, шу флотилиянинг шахсий составини ўз самолетлари билан таништирдилар. Майор В. Г. Захаров намойиш қилган олий пилотаж намуналари ҳаммани қойил қолдирди.

Швеция матбуоти, радио ва телевиденнеси совет «МИГ-21» қирувчи самолетларининг визитига катта эътибор бердилар.

БИРИНЧИ ҚЎҢҒИРОҚ



Кеча билимга кон мактаблар, илм-фан масканлари бўлган олий ва ўрта ўқув юртлари бинолари сафини узра Биринчи сентябрь қўнғироғи жаранглаб янгради. Ҳа, илм-фан даргоҳларида янги ўқув йили бошланди.

Юбилей ўқув йилига областимиз мактабларида ҳам катта тараддуд кўрилди. Шунинг учун ҳам ўқишлар зўр уюшқоқлик билан бошлаб юборилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, юбилей ўқув йилида областимиз мактаблари ўқувчилари муносиб совғалар олдилар. Янги мактаб бинолари қуриляпти. Колхозлар ва совхозлар маблағлари ҳисобига қад кўтарган янги билим ўчоқларига ҳам биринчи ўқув йилини бошлаб юбордилар.

Пойтахтимиз Тошкентда ҳам биринчи сентябрга ўндан ортиқ янги мактаб армуғон этилди. Шундай қилиб янги ўқув йилида областимиздаги мавжуд 776 мактабда меҳнаткашларнинг 342 минг ўғил-қизи таълим олади. Буларнинг ҳаммаси партия ва ҳукуматимизнинг ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялаш ишига нақадар катта ғамхўрликлар кўрсатаётганлигининг ёрқин ифодасидир.

Суратларда: (ўнгдан) Тошкентдаги 80-мактабнинг учинчи синфи ва Тошкент тўқимачилик институтининг 1-курсида машғулот пайтлари.

А. Абалян ва **И. Глауберзон** фотолари.

„СТУДЕНТЛАР КИЛОМЕТРЛАРИ“

Республика пойтахти яқинида тикилган «Снежинка» чодир шаҳарчаси узра ёзи билан омсклик студент—қурувчилар отрядининг байроқчаси ҳилпираб турди. 240 га яқин бўлажак мутахассислар Тошкент теварагида автомобиль айланма йўли қуришда ёрдам бердилар. Мирзачўлга бориладиган автомобиль йўлини кенгайтирдилар ва ободонлаштирдилар. Студентлар агдарма ва йўл машиналарини ўзлари ҳайдаб тупроқ ташидилар, йўл қурдилар. Омсклик студентлар қурган 25 километр йўлни шоферлар «студентлар километрлари» деб атадилар.

(ЎзТАГ).

КИШИ—КИШИГА ДЎСТ, ҚАДРДОН

РАҲМАТ, ЯХШИЛАР!

Ленинграддаги темир йўл мактабининг ўқитувчиси Нинель Васильевна Соломина ўз меҳнат отпускасини Ўрта Осиё республикаларни билан танишишга бағишладн.

У ўғилчаси Женя билан йўлга чиқдн. Олмаотада, Фрунзеда бўлди. Унинг асосий мақсади эмлзиладан кейин серқуёш республиканинг пойтахтида бўлаётган ўзгаришларни ўз кўзи билан кўриш эди.

Мана, у Тошкентга ҳам етиб келди. Автобусга ўтириб кетар экан, текисланган майдонлар, қурилаётган уй-жой бинолариға маҳлиё бўлиб, Чилонзорга бориб қолганини ҳам сезмай қолди. Бунинг устига кун ҳам анча кеч эди.

Автобусдан тушиб, ўзига биринчи рўпара келган кишига салом берди.

— Ўртоқ, мен бу ерга биринчи марта келишим, агар иложи бўлса, меҳмонхонага боришим тушунтириб кўйсангиз.

— Қаердан келдингиз,—деб сўради шунда ўз оила аъзолари билан кинога кетаётган Абубакир.

— Ленинграддан...

— Қани, биз билан юринг, авval кинога бориб кейин бизникида меҳмон бўласиз, деб қўярда-қўймай Нинель Васильевнани ўғли билан олиб кетишди.

Умрида биринчи марта Тошкентга қадам қўйган бу меҳмонлар нотаниш кишилар томонидан ана шундай илиқ кутиб олиндн.

Улар икки кун Абубакир оиласида меҳмон бўлишди. Шаҳримизнинг ҳушманзара жойларини, тарихий ёдгорликларини таништиришда Абубакирнинг умр йўлдоши Амина уларга ҳамроҳ бўлди. Охирида эса поездга ҳам ўзлари билет келтиришиб Нинель Васильевнани фарзанди билан вокзалгача кузатиб ҳам қўйишди.

Нинель Васильевна Соломина редакцияга ёзган хатида 16-поликлиниканинг врачлари Амина Жамолиддинова ва Абубакир Жамолиддиновларга, уларнинг оила аъзоларига нотаниш бир аёлга вақтларини аямай, кўрсатган меҳмондўстликлари учун битмас-туганмас миннатдорчилигини изҳор қилиб, бу олийҳиммат кишиларга раҳматлар айтади.

А. МИРЗААҲМЕДОВ.

ОБЛАСТИМИЗ ШАҲАР ВА ҚИШЛОҚЛАРИДА

ЯНГИ УЙ-ЖОЙЛАР

Бўка районидаги 1-«Пискент» совхози қишлоғининг қиёфаси йилдан-йилга обод ва кўркам бўлиб бормоқда. Бундан ўн йилларча муқаддам қамишзор, батқоқликдан иборат бўлган бу қишлоқ ўрнида ҳозир янги, кўркам уй-жойлар қад кўтарган. Биргина ўтган йилнинг ўзида совхознинг 6-бўлимида 12 хўжалик янги шинам уйга кўчиб кирган бўлса, юбилей йилининг ўтган ойларида ҳам 12 оила ҳовли тўйлари ўтказди.

Шу кунларда бўлим марказида қурилиш ишлари янада авж олди. Юбилей йилида яна 15 хўжалик янги турар-жой билан таъминланади. Бу уй-жойлар Октябрнинг 50 йиллиги тўйи арафасида пахтакорларга топширилади. Бундан ташқари бўлимда магазин, медпункт ҳам қуриб битказилади.

Яқинда бўлим маркази билан 3-бригадани боғлайдиган 3 километрлик йўлга шағал ётқизиб, текислаб қўйилди. Шунингдек артезиан қудуқ қазилди. Бу ғамхўрликдан бўлим ишчилари ғоят миннатдор бўлишмоқда.

Э. УСМОНОВ,
Бўка районн.

ГЎЗАЛЛИК ОШИҚЛАРИ

Ғазалкент шаҳар милиция бўлими идораси олдидан ўтган ҳар бир кишн милиция ходимлари кўлидан билан яратилган манзарани кўриб, қойил қолади. Эшик тагига етқизилган кўм-кўк майса чимлар, ўтказилган ранг-баранг анвойи атиргуллар ҳар қандай кишнни ҳам ўзига мафтун этади.

Шаҳар ижроня комитетн бу гўзаллик ошиқлари бошлаб берган ташаббусни кенг ёйиб, тротуарлар бўйига кўм-кўк майса, чимлар ётқизишни давом эттирмоқда. Бу эса шаҳар чиройнни тобора очмоқда. Ҳа, бундай ташаббусни ҳар қанча ёйсанг арзийди.

И. НУРИДДИНОВ,
61-мактаб ўқитувчнси.

Янги шеърлар

ҚАНДАЙ ШЕЪР ТЎҚИСАМ ЭКАН

Куз, дала боғларим етилди таранг,
Миниг кўклам чиройи урвоқ бўлолмас.
Ер дастурхон, нозу-неъмат сочилган
Ҳосил тўйим маъмурчилик қўш пайваст.
Олтин куз товланар атир ҳид пуркаб
Урик, нок барглари шафақ, тўқ қизил
Енғоқлар чатнаган пўстлоқдан ажраб,
Болалар кўзи-да ўйнашар ҳазил.
Қоққанда қочади ўтлар ичига,
Гўдаклар кетидан излаб қолишар
Қиргоқда жийдазор эгиб бошини.
Тилларанг меваси шуълалек тошар.

Беҳилар, анорлар тиргович оша
Шохлари камалак ерга энгашар.
Япроқлар тогидан қийиқ кўзидек.
Олхўри мўралаб сузилиб юзик.
Қўзивой, қирқмалар узилиб томда.

Ток узум шингилин есангиз муздек,
Фермамиз сутлари қозонга сиғмас.
Дошларда сут кўли тошар кўпирар
Чирчиғим, Зоғарик ойнадан тиниқ.
Боқаман ярқираб аксим кўринар.
Ҳаммадан қизиғи меннинг мактабим.
Ҳов дарахт ичида оппоқ ой каби
Кўйнида юлдузлар, ўқувчиларим.
Илм-фан мактабим, оқар сой каби.
Ўқитувчим муроб, миришкор боғбон.
Китобим офтобжон, мазмуни жаҳон
Ғоввосдей шўнғиймиз фан дарёсига
Инғамиз ҳаётнинг олтин гавҳарин.
Шу онажон меҳрибон мактабжонгинам,
Қондирар умидим, талабим барин.

Қуддус МУҲАММАДИЙ.

МАКТАБНИ СОҒИНИБ

(СОҒИНЧ САТРЛАР).

Кўнгил етаклади яна отландим
Мени катта қилган мактабга томон.
Салом-салом сенга қадрдон даргоҳ
Умр бўйи сени ёдда тутаман.
Ёдимда туради жўшқин болалик
Сени бағрингдаги оловли дамлар.
Беш баҳо орзуси таңг билан туриб,
Муътабар бағрингга қўйган қадамлар.
Ҳали ёдимдадир ўқитувчимдан
Дунёнинг жамолин кўрган тонг чоғи
Ҳали ёдимдадир она меҳридай
Катта очилгани мактаб қучоғи.
Сен берган таълимла олға интилиб,
Инларини мазмуига тўлдирмоқ бўлдим.
Улуғ Ватанимни қуйлаш ишқида
Шу куннинг завқидан шодликка тўлдим.
Янги онг, янги кун бу қўёш куни
Табрикка бу айём танладим сўзлар.
Бўй-бўй ўғил-қизни кўрган чоғида
Кулиб, чарақлайди ўтлн юлдузлар
Ленин авлодининг байрам кунида
Сентябрь тонгида ўқиш муборак.
Бу улуғ кунларнинг улуғ эртаси.
Коммунизм давридан беради дарак.
Кўнгил етаклади яна отландим
Мени катта қилган мактабга томон.
Салом-салом сенга, қадрдон даргоҳ
Умр бўйи сени ёдда тутаман.

Юсуфжон ҲАМДАМ

КИТОБ БАЙРАМИ

Бекобод шаҳри ва районида яқинда «Китоб — бизнинг дўстимиз» шиори остида китоб байрами бўлиб ўтди.

Китоб байрами қатнашчилари диққатини мазмунли безатилган китоблар кўргазмаси ўзига тортди. Янги китоблар, журналлар ва турли хил адабиётларни бу ердан сотиб олиш мумкин эди.

Ўзбекистон металлургия заводи прокат цехининг нқтисодчиси Л. Курочкина, Ленин номидаги мактабнинг ўқитувчиси К. Қамбарова ва бошқалар шаҳар ва район меҳнаткашлари қўлга киритаётган ютуқлар ҳақида китобхонларга гапириб бердилар.

Китобхонлар ҳузурига меҳмон бўлиб келган ёзувчи ва шоирлардан Ўткир Рашид, Акмал Пўлат, Илёс Муслим, Черкас Али, Мели Жўра ва бошқалар бу таклифни қабул қилдилар.

Ижодкорлар Бекободдаги В. И. Ленин номли колхоз ва 1-«Далварзин» совхози пахтакорлари билан ҳам учрашдилар.

МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИЛАР КЕНГАШИ

Биринчи сентябрдан 1968 йил учун чет эл марказий, республика ва барча газета-журналларга обуна қилиш бошланди. Шу муносабат билан яқинда пойтахтнинг Тельман номидаги маданият ва истироҳат богида шаҳардаги матбуот тарқатувчи жамоат вакилларининг слёти бўлиб ўтди.

Унда матбуот тарқатиш бошқармасининг бошлиғи ўрток Л. Р. Берганова юбилей йилида кўлга киритилаётган ютуқлар ва келаси йили обунасини уюштириш ҳақида сўзлади.

Слётда актив жамоат вакилларидан 300 га яқин кишига кўпгина газета редакцияларининг фахрий ёрликлари ва мукофотлар топширилди.

Э. ҲАМИДОВ.



Тошкент шаҳар медицина билим юртининг студентларн волейбол ўйинларига жуда қизиқишади. Суратда: волейболчи қизлар (чапдан) М. Исоқова, тренер-ўқитувчи А. Шакарова ва Н. Шоюнусхўжаевалар.

М. Нуриддинов фотоси.

ҒОЛИБЛАРГА—БАЙРОҚ

Яқинда Чирчиқ шаҳар партия комитетининг мажлислар залига коммунал хўжалик, уй қурилиши бошқармаси ишчи ва хизматчилари йиғилишди. Бу ерда Ўзбекистон ССР коммунал хўжалиги министрлигининг кўчма Қизил байроғи ҳамда пул мукофоти ўзаро мусобақада ғолиб чиққан шаҳар коммунал хўжалик бўлими ходимларига топширилди.

Чиндан ҳам шаҳарни ободонлаштириш соҳасида ҳаммага намуна бўладиган ишлар амалга оширилмоқда. Аҳолига маданий-маиший ва коммунал хўжалик хизмати кўрсатиш ишлари яхши йўлга қўйилган. Кейинги ойларда шаҳарнинг Ленин кўчаси таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Бу кўча 6 метрга кенгайтирилди. Илгари кўчада транспорт қатнови бир томонлама эди. Ҳозир эса транспорт икки томонлама қатнамоқда.

Юбилей йилининг иккинчи квартали ичида шаҳар коммунал хўжалиги ободонлаштириш ишига 515 минг сўмдан ортиқ пул сарфланди, 38 минг квадрат метр ер асфальтланди, янги йўллар очилди. 45 минг квадрат метр ҳажмда йўлка капитал ремонт қилинди. 3 минг квадрат метр ариқ тозаланди. 5,5 километр кўча Ильич нури билан ёритилди.

Шаҳарни ободонлаштиришда меҳнаткашлар актив иштирок этмоқдалар. Кейинги ойлар ичида 8 марта шанбалик ўтказилди. Бу шанбаликларда 10 мингга яқин ишчи, хизматчи ва мактаб ўқувчилари қатнашди. Уларнинг ҳиммати билан қаровсиз қолган 8 клуб, 6 кичик хиёбон тартибга солинди. Бу ишларда қатнашган 128 киши шаҳар коммунал хўжалигининг пул мукофотини олди. 327 кишига ташаккурнома берилди. Мукофотланганлар орасида ишчи-хизматчилардан С. Корпяков, А. Корпякова, С. Крупанова, Ю. Усмонов, И. Раҳмонов ўртоқлар каби жамоат ишига жонкуярлар бор.

Шаҳар ижроия комитети жамоатчилик билан бирга ўз имкониятларини кўриб чиқиб, ободонлаштириш ишларини янада яхши йўлга қўйиш тадбирларини белгилади. Яқин кунлар ичида 36 минг квадрат метр йўлга асфальт ётқизилади. Шаҳарнинг озодалиги йўлида доимо кураш олиб борилади. Социалистик Чирчиқ шаҳри тобора жамол очаверади.

Т. СИХАРУЛИДЗЕ.

ТАРИХЧИЛАР ВА АРХЕОЛОГЛАР ҲИКОЯ ҚИЛАДИ

Куни кеча академик Яҳё Ғуломов бошчилигида бир группа олимлар Фарғона водийсига жўнаб кетишди. Улар Фарғона, Андижон, Наманган, Қўқон шаҳарларига, Шоҳимардон ва Чортоққа боришади, пахтакорлар ҳузурида бўлишади, саноат корхоналарида, муассасаларда тарих ва археология фанининг янгиликлари ҳақида ҳикоя қилишади.

Бир ярим ҳафта давомида ўнлаб учрашувлар ўтказиш мўлжалланган. Тарих фанлари доктори Х. Зиёев, фан кандидатлари К. Шофайзиев, А. Муҳаммаджонов, С. Раҳимов, А. Абдулҳамидов, К. Тўйчиевлар «Совет археологияси эллик йил ичида», «Ўрта Осиё республикаларининг эллик йиллик экономикаси ва маданий алоқалари», «Археология маълумотлари бўйича Фарғона водийсининг тарихи» деган темаларда лекциялар ўқишади.

ЯНГИ САҲНАДА, ЯНГИ СПЕКТАКЛЛАР

Республикамиздаги Ҳамза номли драма театри Ўзбекистонда биринчи бўлиб янги мавсумни бошлаб бериш традиция бўлиб қолди. 30 августда республика театрлари оқсоқоли ўзининг 48 мавсумидаги биринчи спектакли — Абдулла Қаҳҳорнинг «Аяжонларим» пьесасига тақлиф қилди. Пьеса қишлоқ интеллигенциясининг ҳаёти тўғрисида ҳикоя қилади.

— Ҳозирги мавсумимиз ватанимизнинг 50 йиллик юбилей йилида бошланганлиги учун айниқса эътиборлидир, — дейди театр директори И. И. Мусабеков. — Биз Улуғ Октябрь туғилган кунга революция туфайли бунёд бўлган театримиз саҳнасида кўрсатилаётган энг яхши спектакллар билан келамиз.

Биз байрам кунларида «Бой ила хизматчи» спектаклини кўрсатамиз. Озодликка, инсоний фазилатни қадрлашга эҳтирос билан даъват этувчи бу спектакль неча ўнлаб йиллардан бери театримиз саҳнасидан тушмаётир. Ҳозир Ҳамза ёзган бу ўлмас пьесанинг янги постановкаси тайёрланмоқда.

Театр шу спектакль билан янги биносининг «қулоғини очади». Архитектура замонавий формалари билан халқ меъморчилиги бўёқлари ҳамкорлигида яратилган бу бинога 900 томошабин сигади.

Янги мавсумда Комил Яшин, Уйғун, Иззат Султон, Сарвар Азимов, Миртемир, Одил Ёқубов ва бошқа ўзбек ёзувчиларининг пьесалари бўйича қўйиладиган спектаклларнинг премьералари бўлади.

Илгаригидек бу мавсумда ҳам рус ва ғарб классикаси театр афишаларида муносиб ўрин олади.

Театр Горький туғилган кунининг 100 йиллигига «Душманлар» пьесасини қўяди. Томошабинлар қадимий Греция ёзувчиси Софоклнинг «Шоҳ эдип» деган асарини ва Шекспир ижодиётини кўрадилар. Алишер Навоий юбилейи байрамига бу ажойиб шоирнинг ҳаёти тўғрисида ҳикоя қилувчи «Алишер Навоий» спектакли постановкаси янгиланади.

Театр спектакларини фақат ўз «уйидагина» кўрсатиб қолмай заводларнинг маданият саройларн, дала шийпонлари, студентлар клубларига ҳам бориб томошалар кўрсатади. (ЎзТАГ).

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

ФУТБОЛ

ПЕШҚАДАМ ЎЗГАРДИ

Ўрта Осиё зонаси бўйича «Б» классида мусобақалашаётган командалар ўртасида Тошкент областининг «Свердловчи» командаси мавсум бошидан буён пешқадамлик қилиб келаётган эди. Лекин ҳозир у ўз ўрнини Навоий шаҳрининг «Зарафшон» командасига бериб қўйди. Бунга сабаб «Свердловчи»нинг кейинги учрашувларни жуда эҳтиётдик билан ўтказиб, фақат ҳимояни ўйлаётганидадир. Колхоз футболчилари кейинги тўрт ўйинда атиги уч очко олдилар. Улар сўнгги турда Янгиер шаҳрида 0:1 ҳисобида мағлубиятга учрадилар. Пешқадам изидан бораётган «Зарафшон» эса Андижон областининг «Оқ олтин» командасини қабул қилиб икки очкони қўлга киритди (ҳисоб — 4:0).

Шундай қилиб «Зарафшон» 25 ўйинидан сўнг 39 очко тўплаб пешқадам бўлиб олди. «Свердловчи» эса 26 ўйинидан сўнг 38 очкога эга.

Областимиздан биринчиликда қатнашаётган яна бир команда — «Оққўрғон» футболчилари ҳам сафарда мағлубиятга учрадилар. Улар Темиртоунинг «Металлург» командасидан 0:2 ҳисобида енгилдилар. Чирчиқнинг «Химик» ва Олмалиқнинг «Металлург» командалари эса рақиб майдонларида биттадан очкони қўлга киритишди. «Химик» Олмаота уйсозлари ҳузурида бўлиб, 0:0 ҳисобида дуранг ўйнади. Олмалиқликлар эса «Енбек» командаси майдонида бўлган учрашувни 1:1 ҳисобн билан якунладилар.

Реклама ва эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 10.55 — Эшиттиришлар программаси. 11.00 — Чунки— бу ҳаққият (болалар учун кинофильм). 11.20 — Заречелнинг нуёвлар (телефильм). 12.00—Тинч океанликлар куйлайди» (фильм-концерт).

Ўзбек тилида: 12.35 — «Ёшлик» студияси кўрсатади. Соғлом танда-соғ ақл тележурнали. 13.25 — Зангори олов кишилари (ҳужжатли фильм). 14.15—Кўҳна тошбақа капитани (бадиий фильм). 16.55 — Эшиттиришлар программаси. 17.00 Ҳабиб Порт Саид Ўғли (болалар учун спектакль). 17.20 — Телеянгиликлар. 17.30 — Вьетнам курашади—Вьетнам галаба қиладн. 17.50 — Меконг ўт ичида (телефильм). 18.20 — Ёшлик студияси кўрсатади. Студентлик — олтин даврим. 19.00 — Вальс чорлар — оқшом базмнга. Концерт. 19.30 — Телевизион янгиликлар (рус тилида). 19.40 — Аршин мололон (бадиий фильм).

МОСКВА КЎРСАТАДИ

21.10 — Ярим аср йилномаси. 1927 йил (ҳужжатли фильм). 22.00 — Москвада Белоруссия ССР ҳафталиги. Огонёк. 23.10 — КПСС Марказий Комитетининг тезисларн. 23.30 — Телеянгиликлар.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 16.55 — Эшиттиришлар программаси. 17.00 — Кулоллар (болалар учун фильм) 17.10 — Содиқ дўстларинг сен билан Вьетнам (ҳужжатли фильм). 17.30 — Спорт бир ҳафта ичида. 17.55 — Телеянгиликлар. 18.05 — Борис Смолининнг ҳунари (телефильм). 18.35 — Ленинград артистларининг концерти.

Ўзбек тилида: 19.25 — Телеянгиликлар. 19.25— Инковлон (кинофильм). 20.15 — Шу кунниинг созандалари. Т. Ҳўжамбердиев. 20.55 — Чк ходими (бадиий фильм).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 — ФРУНЗЕ ТЕЛЕВИДЕНИЕ СТУДИЯСИНИНГ ЭШИТТИРИШЛАРИ.

ТЕАТР

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 2/IX да Катта концерт 3/IX да Махтумқули.

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 2/IX да Ўғирланган умр, 3/IX да Аяжонларим.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Венгер бойи — «ЎЗБЕКИСТОН», СОБИР РАҲИМОВ номли кундуз ва кечқуруи). «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИИЛЛИГИ» (эрталаб соат 11 да, кундуз 3, 5 да).

Омонгелди (кундуз соат 12, 2, 4 да). Қўшиқ қанотн (кеч соат 6, 8, 10 да): — «ЧАЙКА».

Нафосат — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечкуруи).

Капитта бола — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечкуруи).

ЁЗГИ БИНОДА

Венгер бойи — «ФЕСТИВАЛЬ». Тентаклар оролидан хатлар — «ХИВА».

Узбекистон КП Марказий Комитетининг нжтимоий-сиёсий адабий-бадиий, безакли

ГУЛИСТОН ЖУРНАЛИГА

1 сентябрдан

ОБУНА БОШЛАНДИ.

Обуна нархи:
Бир ойлига 3 сўм 60 тийин
Олти ойга 1 сўм 80 тийин
Бир сони 30 тийин.

Обуна ҳамма алоқа бўлимларн, барча жамоатчи вакиллар орқали қабул қилинади.

Гулистон га обуна чекланмаган, аммо унга ҳозирдан ёзилиб қўймаган кишилар армонда қолади.

«УЗЭНЕРГОСБИТ»

электрдан фойдаланганлнги учун счёт ёзиш ўзларига топширилган кишиларга таклиф киладнки,

электр учун

ҳар ойнинг 1 кунидан 11 кунигача счёт ёзиб, тегишли пул ни Госбанкнинг кирим омонат кассаларига тўласинлар.

Утган вақт учун

қарзлари бўлган

абонентлар уни дарҳол тўлашлари лозим.

Счётлар ўз вақтида тўланмаса, электр огоҳ қилинмасдан узиб қўйилади.

Тошкент шаҳар 6-бирлашган касалхонаси партия, касаба союз ташкилотлари ва маъмурияти касалхона врачи Назира Низомхўжаевага эри

Қосим МАДУМАРОВнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана областного Совета депутатов трудящихся.

Бизнинг АДРЕС: Тошкент, Правда Востока кўчаси, 26 уй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — В35212, Редактор ўринбосарлари — В35885 В31232, Масъул секретарь — В34808, Пропаганда, адабиёт ва санъат бўлимлари — В31936, Саноат, транспорт ва қурилиш бўлими — В33786, Партия турмуши, Ахборот ва спорт бўлимлари — В35811, Қишлоқ хўжалиги, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари бўлимлари — В39050 Совет қурилиш машиҳ хизмат ва шаҳар хўжалиги бўлими — В38761. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — В34048. Эълонлар бўлими — В38142. Коммутатор В30249 дан В30258 гача.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Р. 01187 Индекс — 64697. А. 1736.